O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 16 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 4 (7407)

Da'vat

Китобсиз одам ақлий жиҳатдан ўта қашшоқ одамдир; ўзингизни бундай аҳволга туширманг.

Жон РЕСКИН

Ibrat

Сайхунобод туманидаги Олғабос қишлоғи ёшларининг бўш вақтларини унумли ташкил этиш ва уларни спортга жалб этиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши томонидан бокс тўгараги ташкил этилиб, барча анжомлар ва керакли жиҳозлар билан таъминланди.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Истиқлолга эришганимиздан сўнг давлат мустақиллигининг асосий устунларидан бири бунёд этилди — замон талабларига жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимиз ташкил қилинди. Ушбу санага ҳам 10 йил тўлди.

Ўтган 10 йил давомида Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини, халқимизнинг осойишталигини ишончли тарзда ҳимоя қилиш билан бирга янада такомиллашиш, замонавийлашиш, қудратга эришиш йўлини босиб ўтмоқда.

12 январь куни "Туркистон" саройида Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 10 йиллигига бағишланиб ўтказилган тантанали йиғилишда замонавий қудратга эга. Қуролли Кучларни ташкил этиш борасидаги ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилаётганлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Мудофаа вазири Қ.Ғуломов ўқиб эшиттиргач, сўзга чиққанлар осойишта турмушимиз посбонларини шарафлаб, байрам билан қутладилар.

Тантанали йиғилиш тугагандан сўнг намойиш этилган халқимиз севган санъаткорларнинг байрам концерти Ватан ҳимоячиларининг дилларини хушнуд қилди.

МУХБИРИМИЗ

ГУЛОБОДДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Янги йил арафасида Самарқанд тумани маркази Гулободда ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. 400 нафар ёшларни бағрига олган бу билим масканида нафақат Самарқанддан, балки қўшни вилоятлардан ҳам талабалар келиб таълим олмоқда.

Коллеж ҳисобчилик, банк ишлари, ҳуқуқшунослик, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячиси каби соҳалар бўйича мутахассис тайёрлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур муҳташам, замонавий ўқув даргоҳини вилоятдаги "Ширкатқурилиш" ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул бунёдкорлари барпо этди. Улар бир миллиард 600 минг сўмлик қурилиш ишларини бажардилар.

Суратларда: 1. Самарқанд тумани маркази Гулободдаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи умумий кўриниши. 2. Зардўзлик тўгараги раҳбари Барокат Раҳмонкулова. 3. Талабалар — Гулжаҳон Ҳасанова ва Истода Мансурова.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

МАКТАБ ГАЗЛАШТИРИЛАДИ

Жондор туманидаги 37-ўрта мактабда хайрия тадбири ўтказилди. Мазкур тадбирда ўқувчиларнинг ота-оналари, тумандаги корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, хўжалик фуқаролари қатнашишди.

Ушбу тадбирда, айниқса, ўқувчиларнинг ота-оналари саховат кўрсатишганлиги эътиборга лойиқ бўлди. Шунингдек, Абу Али ибн Сино номидаги хўжалик 1 та сигир, туман техника таъмирлаш корхонаси 10 минг сўм пул маблағлари ажратди. Хайрия марафонидан мактаб фондига жами 150 минг сўм маблағ тушди. Эндиликда бу маблағлар ўқув муассасасини газлаштиришга сарфланиши мўлжалланмоқда.

Бухоро вилояти "Туркистон-пресс"

БИРИНГИЗГА МИНГ БЕРСИН

Saxovat

Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғида яшовчи Тулунбек Қораев 14-болалар боғчасини 500 минг сўмлик ётоқхона жиҳозлари, 25-ўрта мактабнинг 30 нафар 1-синф ўқувчисини бир хил кийим-кечак билан таъминлади. 21-ўрта мактабга 200 минг сўмлик қурилиш материаллари олиб берди.

Булоқбошилик Каримжон ҳожи Носиров эса 10-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларига 200 минг сўмлик дарсликлар олиб берди.

Дадажон АҲМАДАЛИЕВ

МАҚСАД — ДАРСЛИК БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШ

ЁХУД БУНДА ИЖАРА ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ХУСУСИДА

Tahlil

Ўзбекистон ривожланишининг бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётига ўтиш жараёнида барча соҳаларда бўлганидек, таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига мўлжалланган дарсликлар эркин сотувга чиқарила бошлади. Шундай ҳолатда ўқувчиларни, айниқса, кам таъминланган оилалардаги ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Республикадаги барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб ўқувчилари эса барча дарсликлар билан текин таъминланмоқда. Бу хайрли ишга ҳукумат бюджетидан шу йилнинг ўзида 1 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Мактабларнинг 2-синфидан бошлаб эса дарсликлар сотуви ташкил этилган. Аммо дарсликларни сотиб олиш ота-оналар, ўқувчилар учун муайян мураккабликларни келтириб чиқарди. Бироқ ўткинчи бу мушкулликларни жойлардаги таълим муассасаларининг оталиқ ташкилотлари, ҳомийларнинг саховатлари бир қадар осонлаштирмоқда. Шу ўринда дарсликларни ижарага бериш тизимининг йўлга қўйилганлиги ҳам жуда аҳамиятлидир.

ДАРСЛИКЛАР ИЖАРА ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февралдаги 68-сонли қарори билан тасдиқланган «Она ва бола» Давлат дастури 90-бандида ўқувчиларни пулли — қайтариб бериладиган дарсликлар билан таъминлаш тизими, яъни ижара тизимини 2001 йил 1 сентябрдан ташкил этиш белгиланган эди. Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 17 мартдаги 41-сонли буйруғи асосида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2001-2002 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманида ўқувчиларни ижара усулида дарсликлар билан таъминлашнинг янги тизими тажриба-синовдан ўтказилмоқда.

Мазкур тадбир Осиё Ривожланиш Банкининг 1595(МЖ)–ЎЗБ кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётлари нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳасига мувофиқ ўтказилмоқда.

Дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули шундай тизимки, унга кўра ўқувчи мактаб кутубхонасидан бир ўқув йилига керакли дарсликлар нархининг муайян қисминигина тўлаб олади. Дарсликларни ижарага бериш ижара тўловини тўлаш, китобни қайтариб бериш ва уни ўқув йили охиригача яхши ҳолатда сақлаб, сўнг қайтариш демакдир.

Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими ота-оналарни дарсликлар сотиб олишга ажратадиган маблағини кескин камайтириш ва шу орқали ўқувчиларни дарслик билан тўлиқ таъминлаш имконини оширишни кўзда тутади.

Дарсликлар айланма жамғармаси мактаб жамғармаси ҳисобланиб, унда ўқув дарсликлари ва бошқа ўқув материаллари мактаб томонидан талаб этилмагунча ижара ва бошқа молиявий киритмалар учун тўловлар жамланади ва сақланади. У дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган. Ота-оналар қўмитаси мактаб маъмурияти билан бирга мазкур жамғармани бошқаришга ваколатлидир. Дарсликлар айланма жамғармаси (ДАЖ) мактабнинг дарсликлар бўйича доимий жамғармаси бўлиб, дарсликларни алмаштириш харажатларини қоплаш учун ҳар йили ижара тўлови маблағлари ва ҳукумат молиявий киритмалари билан тўлдириб борилади.

(Давоми 2-бетда)

«BALIQ OVIDA»

Men bir son o'yladim, uni 9 ga ko'paytirib, 6 ga bo'ldim, 6 hosil bo'ldi. O'ylangan sonni toping.

2-бет

ВИРТУАЛ КУТУБХОНАДАН ДУНЁГА

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида ҳам виртуал кутубхоналарни ташкил этишга асос солинди.

3-бет

БИР БЕЛГИ ТАРИХИ

Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришгач, янги алифбо масаласи ўртага қўйилди. 1993 йил 2 сентябрьда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида» қонун чиқди.

4-бет

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ КИМ?

Абдураззоқ Самарқандий нафақат Алишер Навоийнинг диққатини жалб этган, балки у яшаган давр илм аҳлини, қолаверса, бугунги кун олиму фозилларини, тарих илмига қизиқувчиларни ҳам мафтун этади.

5-бет

ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

ШЕЪРЛАР, ҲИКОЯЛАР, ҲАЖВИЯЛАР, КРОССВОРДЛАР

8-бет

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 январь куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Хорижий операциялар бўйича қўмитаси раиси Жим Колбини қабул қилди ва учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Кеча Пентагонда АҚШ ва Россиянинг юқори мартабали ҳарбийлари ўртасида АҚШнинг 1972 йили имзоланган ракета ҳужумига қарши ҳимояланиш шартномасидан чиқиши масаласи юзасидан музокаралар бошланди. Вашингтон келаётган ўн йил давомида ядровий қуролларини 2/3 қисмига қисқартиришини айтган, Москва ушбу қисқартириш ҳажмини янада ошириш ҳамда жанговар ядро қуролларининг ҳақиқатан йўқ қилиниши кафолатини олиш йўлларини қидирмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

• БМТнинг огоҳлантиришича, Афғонистонга зудлик билан молиявий ёрдам кўрсатилиши зарур. 250 минг афғон хизматчилари ярим йилдан бери маош олганлари йўқ, айни дамда давлат бюджетида ҳам пул умуман йўқ.

ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТДИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитаси хайрли бир ишга қўл урди.

Ўқувчиларнинг қишки таътилларини сермазмун ва мароқли ўтказишлари учун етарли даражада имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб беришни ўз олдига мақсад қилиб олган вилоят қўмитаси ҳудуддаги Мурувват уйида таълим олаётган болалар учун Шовот туманидаги "Шовот" санатория-профилакторияси қошида қишки спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этди.

Оромгоҳга 100 нафар ногирон болалар жалб этилди. Уларга биринчи навбатда саломатликларини тиклашлари учун профилактик тиббий муолажалар қилинди.

Шунингдек, улар билан даволаш ва жисмоний тарбия машғулотлари ҳам олиб борилди. Бу жараён Америка Қўшма Штатлари "Тинчлик Корпуси"нинг "Ўзбекистонда махсус Олимпиада ҳаракати" йўналиши ёрдамида амалга оширилди. "Тинчлик Корпуси" вакиллари томонидан болаларга машғулотлар учун ўқув қуроллари, спорт кийимлари ва янги йил совғалари тақдим этилди.

Бу ишга Шовот тумани ҳокимлиги ҳам яқиндан ёрдам берди.

Гўзал СОЛИЖОНОВА, ЎзМУ журналистика факультети 3-курс талабаси

Ўқитувчи ён дафтарига

ТАБИАТ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Финляндия давлатида амал қиладиган қонунга кўра, у ерда ўрмонда арча кесиш таъқиқланади. Янги йил арафасида махсус плантацияларда ўстирилган арчалар сотувга қўйилади. Байрамдан сўнг эса, ўз вазифасини ўтаб бўлган арчалар хушбўй зираворлар тайёрлаш учун қайта қабул қилиб олинади.

ҒАРОЙИБ ВОҚЕА

Шотландиялик бир фермер ҳайвонот боғидан кексайиб қолган бияни арзон-гаровга сотиб олганди. Орадан кўп ўтмай бия қулунлади. Энг қизиғи, ундан туғилган наслнинг боши от кўринишида, қолган танаси эса зебра кўринишида эди. Мутахассислар бу ғаройиб жониворни тўла-тўкис ўрганиб чиқиш билан машғул.

УМРНИ УЗАЙТИРИШ УСУЛИ

Аризонадаги "Алькор" умрни узайтириш фонди, Детройтдаги Крионика институти, "Крайокер" фонди, Америка крионика жамияти ва "Транс Тайм" корпорацияси каби хорижий ташкилотлар одам танасини маълум муддат музлатиб қўйиш орқали умрни узайтириш билан шуғулланади. Айни пайтда юздан зиёд кишилар ўз ихтиёрларига кўра, келажакда уйғониш учун музлатиб қўйилганлиги расман қайд этилган.

ҲАВОДАГИ ПОЙГАЛАР

Қайси қуш қанча тезликда учишини биласизми?Мутахассисларнинг махсус оптик асбоблар воситасида кузатиб аниқлашларича, қарғалар соатига 49,5—72,4 километр, майда чумчуқсимонлар 32,2—59,6; чуғурчуқлар 61,2—78,9; ғозлар 67,6—88,5; ўрдаклар 75,8—95,0; бургутлар 64,4—77,3; кабутарлар 48,3—67,0; балиқчи қушлар 54,7—86,0 километр тезликда ҳаракат қилар эканлар.

Дарсликларни харид этиш. Тажриба-синовга киритилган дарсликлар очиқ савдога чиқарилганликларидан фарқли бўлиши учун уларнинг дизайнига ўзгаришлар киритилди ва дарсликлар айланма жамғармаси DAJ белгиси билан чоп этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, коллежда ҳар бир битирувчининг истиқболдаги режалари билан қизиқилади,

МАҚСАД — ДАРСЛИК БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШ

ЁХУД БУНДА ИЖАРА ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ХУСУСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Молиялаш манбалари. Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимининг мактаблардаги бошланғич заҳирасини ташкил этиш учун биринчи йили Халқ таълими вазирлиги Осиё ривожланиш банки кредит маблағлари ҳисобидан дарсликларни харид этиб барча тажриба-синов мактабларига ижара учун бепул берди.

3-4 йилдан сўнг алмаштиришни талаб этадиган барча дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа келишилган ўқув материаллари мактаб дарсликлари айланма жамғармаси ҳисоб рақамига йиғилган маблағлар ва бошқа молиявий киритмалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Тажриба-синовга тортилган объектлар

Вилоят	Туман	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони
Қорақалпоғистон Рес.	Беруний	57	18 490
Андижон	Қўрғонтепа	38	15 086
Бухоро	Когон	22	7 758
Жиззах	Дўстлик	17	6 859
Қашқадарё	Ғузор	76	22 864
Навоий	Навоий	24	10 420
Наманган	Наманган	41	24 762
Самарқанд	Тойлоқ	54	23 578
Сирдарё	Гулистон	27	7 986
Сурхондарё	Ангор	43	15 490
Тошкент в.	Бекобод	59	18 756
Тошкент ш.	С.Раҳимов	31	23 318
Фарғона	Охунбобоев	46	20 639
Хоразм	Урганч	40	18 448
	Жами	*575*	*234 454*

Бошқарув ҳужжатлари. Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 1 август 111-сонли буйруғи билан «Тажриба-синов мактабларида дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими ва дарсликлар айланма жамғармасини татбиқ этиш тартиби» ва «Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими ва дарсликлар айланма жамғармасини тажриба-синовдан ўтказиш йўриқномаси» тасдиқланган.

Мазкур ҳужжатлар кўпайтирилиб, ҳар бир тажриба-синов ўтказилаётган жойлар(мактаблар, вилоят, туман халқ таълими бошқарма, бўлимлари ва бошқа алоқадор ташкилотлар)га етказилган.

Тажриба-синов таълим ўзбек тилида олиб бориладиган 575 та мактабнинг 2, 3, 5, 6, 7 ва 8-синфларида ўтказилмоқда. Аммо, 1-синф ўқувчилари ҳар йили дарсликлар билан хукумат ҳисобидан таъминланиши; 4-синф дарсликлари Давлат таълим стандартлари асосида қайта кўрилаётганлиги; ва 9-синф дарсликлари 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб лотин ёзувида илк бор чоп этилаётгани сабабидан тажриба-синовга тортилмади. Халқ таълими вазирлиги тавсия этилган дарсликларга камида 4 йил давомида ўзгаришлар киритилмаслигини кафолатлаган. Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими рўйхатига киритилган дарсликлар (бошланғич заҳира сифатида) биринчи йили ХТВ томонидан барча тажриба-синов мактабларига ижара учун бепул берилди.

2001 йилда фойдаланиш учун тавсия этилган, рўйхатга киритилган дарсликлар барча ўқувчи ва ўқитувчиларга етарли миқдорда етказиб берилди. Ўқитувчилар, шунингдек, бепул методик қўлланмалар билан ҳам таъминландилар. 4 йиллик даврдан сўнг ўқувчилар учун бепул дарслик ва қўлланмаларни таъминлаш тўхтатилади. Бу даврдан бошлаб алмаштиришни талаб этадиган барча дарсликлар, ўқитувчилар учун қўлланмалар ва бошқа келишилган ўқув материаллари Дарсликлар айланма жамғармасига йиғилган маблағлар ва бошқа молиявий киритмалар ҳисобидан харид этилади.

Дарсликларни харид этиш. Тажриба-синовга киритилган дарсликлар очиқ савдога чиқарилганликларидан фарқли бўлиши учун уларнинг дизайнига ўзгаришлар киритилди ва дарсликлар айланма жамғармаси DAJ белгиси билан чоп этилди.

Ижара тизимига киритилган дарсликларни нашр этиш сифатини кўтаришни кўзлаб, Халқ таълими вазирлиги 2001 йил 30 майда танлов эълон қилган эди. Танловда тўртта маҳаллий (рангли босма фабрикаси, ижарадаги полиграфкомбинат, Янгийўл китоб фабрикаси ва Тошкент биринчи босмахонаси) ва битта хориж (Самех Офсет) корхонаси иштирок этдилар. Халқ таълими вазирлиги дарсликларни харид этиш бўйича рангли босма фабрикаси, ижарадаги полиграфкомбинат, Янгийўл китоб фабрикаси ва Тошкент биринчи босмахонаси билан тузган шартномалар бўйича 39 номда 1 540 000 нусхадаги 1 017 253 860 сўмлик дарсликлар чоп этилиб, мактабларга етказилди.

Дарсликларни жойларга етказиб бериш учун Халқ таълими вазирлигининг «Таълимсавдо» Бош бошқармаси хизматларидан фойдаланилди. Шартномага биноан «Таълимсавдо» режадаги барча дарсликларни ҳар бир мактабга 19 октябрга қадар етказиб берган.

Ижара ҳақи. Ижара тўлови йиллик, қайтариб берилмас бадал бўлиб, уни ҳар бир ўқувчи дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимининг бир қисми сифатида тўламоғи лозим. Йиллик ижара тўлови миқдори ўқувчига синфлар бўйича барча дарсликларни муайян мажмуа билан таъминланиш имконини беради ва улар синфлар бўйича фарқланади. Чунки ҳар бир синф учун турли нархдаги, турли миқдордаги дарсликлар талаб қилинади. Синфлар бўйича алоҳида ижара тўлови миқдори ҳар йили ХТВ томонидан кўриб чиқилади ва қайта ҳисобланади ҳамда мактабларга ҳар йили 10 августдан кечиктирмай етказилади. Ижара тўлови миқдори барча тажриба-синов мактаблари қаерда жойлашганлигидан қатъи назар бир хил бўлади. Аммо мактабнинг ўзи ижара тўлови учун ХТВ томонидан белгиланган бадални 10 фоизгача орттириш ҳуқуқига эга. Ижара тўловининг ҳар йиллик тузатишларида инфляция, дарсликлар сони ва нархи, эски дарсликларни алмаштириш учун мўлжалланган харажатлар ҳисобга олинади.

ХТВ 2001-2002 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимининг тажрибасинови ўтказилаётган мактаблар учун дарсликларга белгиланган ягона ижара тўлов миқдорини қуйидагича белгилади:

Синфлар	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара ҳақи
2	Она тили, Математика, Рус тили, Ўқиш китоби	890 сўм
3	Она тили, Математика, Рус тили, Ўқиш китоби	1010 сўм
5	Она тили, Ўзбек адабиёти, Математика, Рус тили, Ботаника, Инглиз тили	1395 сўм
5	Она тили, Ўзбек адабиёти, Математика, Рус тили, Ботаника	1075 сўм*
6	Она тили, Ўзбек адабиёти, Математика, Рус тили, Ботаника, Зоология, Физика, Инглиз тили	1870 сўм
6	Она тили, Ўзбек адабиёти, Математика, Рус тили, Ботаника, Зоология, Физика	1555 сўм*
7	Она тили, Ўзбек адабиёти, Алгебра, Рус тили, Зоология, Физика, Ўрта Осиё табиий географияси, Ўзбекистон табиий географияси	1840 сўм
8	Она тили, Ўзбек адабиёти, Алгебра, Физика, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Одам ва унинг саломатлиги, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари	1965 сўм

* «Инглиз тили» ўқитилмайдиган синфлар учун.

Ягона ижара ҳақи 2001 йил 14 августда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ва ҳар бир мактабга етказилган.

Банк ишлари. Халқ таълими вазирлиги «Пахтабанк»да ўзининг махсус депозит Дарсликлар айланма жамғармаси (ДАЖ) асосий ҳисоб рақамини очди ва бу борада у билан шартнома тузди.

Халқ таълими вазирлигининг дарсликлар айланма жамғармаси асосий ҳисоб рақамини очишдан кўзлаган мақсадлари: (I) дарсликлар айланма жамғарма маблағларини ҳимоя қилиш; (II) юқори банк фоизлари тушумини таъминлаш; (III) дарсликлар харид этиш учун мактаблардан олинган буюртмаларни мувофиқлаштириш.

Халқ таълими вазирлиги мазкур ҳисоб рақамидаги маблағларни дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига боғлиқ бўлмаган мақсадларга ишлата олмайди. Шу ҳисоб рақамининг доимий аудит текшируви ўтказилади. Халқ таълими вазирлиги ушбу ДАЖ асосий ҳисоб рақамининг бошқарувини, банкдан барча операцияларни батафсил ёритувчи банк ҳисоботини олиш, уларни текшириш ва назорат қилиш лойиҳани амалга ошириш гуруҳига юклатилган. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи асосий ва мактаб ДАЖ ҳисоб рақамларидаги (субсчетлар) бадаллар тушуми ёзувларини, банк харажатлари, фоиз тўловлари ва маблағларнинг барча ҳаракати бўйича назорат ишларини олиб боради. Халқ таълими вазирлиги талабига кўра банк ҳар бир тажриба-синов ўтказилаётган мактаб учун ДАЖ асосий ҳисоб рақамига боғланган мактаб ДАЖ ҳисоб рақами (субсчет) очди. Мактаб ДАЖ ҳисоб рақамлари (субсчетлари) мақсадли бўлиб, ижара ҳақларини жамғариш учун ишлатилади. Халқ таълими вазирлиги тажриба-синовга киритилган мактаблар учун банкда очилган ДАЖ ҳисоб рақамлари тўғрисида ҳар бир мактабга ўз вақтида маълумот етказди.

Мактабларда дарсликлар айланма жамғармаси учун очилган банк ҳисоб рақамларини мактаб директори ёки бухгалтери ва ота-оналар вакиллари назорат қилади. Ушбу вакиллар банкнинг тумандаги бўлимидан мактаб ДАЖ ҳисоби бўйича маълумот олиш, ҳисобкитобда йўл қўйилган хатоларни ва банк билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни ечиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳисоб очилгач, мактаб маъмурияти барча ота-оналарга банкнинг номланиши ва банкнинг ҳисоб рақами ҳақида ахборот бердилар.

Мактабнинг ДАЖ банк ҳисобидан ҳар қандай ҳолатда ҳам нақд пул олишга рухсат берилмайди. Тўрт йилдан кейин, янги дарсликларни харид қилиш учун барча тўловлар чек ёки банк тўлов ҳужжати орқали амалга оширилади.

Мактаб ДАЖ ҳисоб рақами фақат дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига хизмат қилиши лозим. Мактабнинг ДАЖ ҳисобига тўпланган маблағлардан фақат ХТВ белгилаган дарсликларни сотиб олиш ва йиллик аудит тўловларини тўлаш учунгина фойдаланиши мумкин. Маблағлардан ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳнат, сафар харажатлари, қурилиш, бадал, ойлик маош, мебель, мактаб қарзини тўлаш, жиҳозлар харид қилиш ва ҳоказолар учун фойдаланиш ман этилади.

Мутахассислар ўқишини ташкил қилиш. Тажриба-синов ўтказилаётган туман халқ таълим бўлими ходимлари, мактаб маъмурияти ва ота-оналар учун дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини жорий этиш бўйича ўқишлар ташкил этилди.

Тарғибот ишлари. Халқ таълими ходимлари, мактаб маъмурияти ва ота-оналар орасида ижара тизими тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришда матбуот, радио, телевидениедан кенг фойдаланилмоқда ва учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Тажриба – синов натижаларини баҳолаш. Тажриба-синовни баҳолаш бўйича зарурий саволномалар тайёрланди:

биринчи саволнома-тажриба-синов ўтказилаётган мактаб маъмурияти учун;

иккинчи саволнома-тажриба-синов ўтказилаётган туман халқ таълими бўлимлари учун;

учинчи саволнома – банк ходимлари учун.

Биринчи саволнома тажриба-синов ўтказиладиган ҳар бир мактабгача етказилди ва унинг натижаси бугунги кунда умумлаштирилмоқда. Тажриба-синовни баҳолаш гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари учун махсус амалий семинар ташкил этилди. 2001 йил декабрь – 2002 йил январь ойларида мазкур гуруҳ ҳар бир туманга тажриба-синов жараёнини баҳолаш учун юборилмоқда. 4-11 декабрда Гулистон, Бекобод, Собир Раҳимов ва Дўстлик туманлари ўрганилди. 10-15 декабрда Охунбобоев, Қўрғонтепа ва Наманган туманлари, 17-21 декабрь кунлари Урганч, Беруний, Ғузор ва Ангор туманлари ўрганилди. Когон, Тойлоқ ва Навоий туманлари 13-17 январда ўрганиб чиқилади.

Ижара ҳақи тўловлари бўйича тажриба – синовнинг дастлабки натижалари

№	Вилоят	Тажриба-синовдаги туман	йиллик режага нисбатан тўпланган маблағлар (фоиз ҳис.)
1	Самарқанд	Тойлоқ	126
2	Андижон	Қўрғонтепа	99
3	Хоразм	Урганч	97
4	Сурхондарё	Ангор	94
5	Сирдарё	Гулистон	93
6	Наманган	Наманган	92
7	Бухоро	Когон	90
8	Навоий	Навоий	88
9	Тошкент в.	Бекобод	83
10	Фарғона	Охунбобоев	82
11	Жиззах	Дўстлик	82
12	Тошкент	С.Раҳимов	79
13	Қорақалпоғистон	Беруний	78
14	Қашқадарё	Ғузор	66
	Жами		**89**

Юқорида айтиб ўтилган баҳолаш гуруҳи таркибида Хоразм вилоятининг Урганч тумани ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини жорий этиш ишлари таҳлил этилди. Ижара тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ота-оналар, ўқувчи ва ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, туман ХТБ ҳамда «Пахтабанк»нинг жойлардаги бўлими мутахассислари билан суҳбатлашиб, уларнинг ижара тизими ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари олинди. Қуйида ушбу фикрлар билан танишасиз.

Эгамберган Қозоқов, Урганч тумани халқ таълими бўлими мудири: — Дарсликлар ижара тизимини ишлаб чиқилиши жуда хайрли иш бўлди. 2001-2002 ўқув йилида туманимизга жами Осиё Ривожланиш Банки кредит маблағлари ҳисобидан, нашр қилинган 125 млн. сўмлик дарсликлар келтирилди. Ушбу дарсликларни ўқувчиларга ижарага бериб, ижарадан тушган маблағларни ҳар бир мактаб субсчётларига тоширдик. Туманимиз мактабларидан жами 25 млн.дан ортиқ маблағ йиғилди. Бу маблағларни келажакда ўқувчиларимизга дарсликлар сотиб олиб бериш учун сарфлаймиз.

Туманимизга келтирилган 125 млн. сўмдан ортиқ дарсликлар Ўзбекистон ҳукуматининг туманимизга қилган ҳадяси бўлиб, бу дарсликларни ижарага бериш орқали тўпланган маблағ тўлалигича туманимиз мактабларида қолади. Тан олиб айтишимиз керакки, 1998 йилдан дарсликларимиз пулли бўлғ бўлса, шундан буён бирор дарсликни ҳали харид қила олмаган кам таъминланган оила фарзандлари ҳам дарсликлар билан таъминланиш имконига эга бўлди. Биз бундан жуда ҳам хурсандмиз.

Нурилла Жўраев, Беруний тумани халқ таълими бўлими мутахассиси.

— Туманимизга шунча миқдордаги дарсликларни фойдаланиш учун бепул берилиши бу биз учун жуда қувончли ҳолат бўлди. Туманимиздаги барча мактаб раҳбарлари, ўқитувчию ўқувчилари, ота-оналар мазкур тизимдан миннатдор. Агар ижарага бериладиган дарсликлар устида янада ишлаб, улар интерфаол методлар билан бойитилса ва шу орқали дарсликлар ҳажмини ихчамлаштиришга эришилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Зеро, дарсликлар ҳажмининг катталиги бирмунча муаммолар туғдирмоқда. Шунингдек, ижара дарсликлари сифатига ҳам эътибор берилиб, босмахоналардан қабул қилиш жараёни қатъий назоратга олинса. Омборхонамизга келиб тушган баъзи дарсликларни ҳали ишлатилмасдан муқовалари қайрилиб кетиш ҳоллари кузатилмоқда.

Зулфия Вапаева, Беруний тумани 49-мактаб директор ўринбосари:

— Ҳозир нашр этилаётган дарсликларни ўқитувчи учунми, ўқувчи учунми англаш қийин. Ҳажми жуда катта, ичида маълумотлар кўп. Агар дарсликлардан айрим маълумотларни олиб, ўқитувчи учун методик қўлланма қилиб чиқарилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, дарсликларни альтернатив вариантларини яратиш керак, деб ҳисоблайман. Бу билан биринчидан, ўқувчи ва ўқитувчиларга дарсликларни танлаш ҳуқуқи берилган бўларди; иккинчидан, ўқитувчиларнинг ижодий изланиши учун замин яратиларди; учинчидан, муаллифлик монополиясига барҳам бериларди; тўртинчидан, муаллифларнинг ёш авлодини тарбиялаш имкони туғиларди; бешинчидан, муаллифлар ўртасида соғлом рақобат муҳити вужудга келтирилган бўларди.

Зулфия Матқурбонова, ота-оналардан:

— Менинг 4 фарзандим Урганч туманидаги 47-Нафис санъат гимназиясида ўқийди. Ижара усулида тарқатилган дарсликлар биз ота-оналар учун жуда яхши бўлди. Шахсан мен 4 фарзандимни дарсликлар билан таъминлашга имкониятим йўқ эди. Ижара тизимининг йўлга қўйилиши мени бу муаммодан халос этди. Ижара усулидаги дарсликларнинг яна бир афзаллиги шундаки, улар жуда яхши муқоваланган, дарсликларда тестлар берилган, рангли расмлар билан бойитилган. Фарзандларим ҳам шундан хурсанд, дарсларни ўз вақтида тайёрлаб, тестларни ечиб, "аъло" баҳоларга ўқишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу дарсликларни яхши сақлаб, кейинги йил ўқувчиларига яхши ҳолатда топшириш учун ўзимиз ҳам назорат қилиб турамиз. Аммо, дарсликлар муқоваси «айланиб» қайрилиб кетмоқда. Улар сифатли муқоваланмаса, 4 йилга чидамайди.

Сайёра Мавлонова, "Пахтакор" ж/х.да яшовчи ота-оналар номидан:

— Урганч туманидаги 13-мактабнинг 2,5,6-синфларида фарзандларим ўқийди. Ушбу ўқув йилидан фарзандларим ўқийдиган мактаб дарсликлар билан таъминланишнинг ижара тизимига ўтди. Бу усул биз ота-оналар учун жуда қулай бўлди. Ҳар йили дарсликларни 100 фоиз пулини тўлаб олардик, айрим китобларни топишда қийналардик. Бу йил эса дарсликлар нархининг тўртдан бир қисмини тўладик. Шахсан мен бу усул яхши эканлигини таъкидлайман. Шу билан бирга ижара дарсликлари формати ва ҳажми бирмунча ихчамлаштирилса, янада мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман. Дарсликлар катталигидан фарзандларим папкасига сиғмасдан алоҳида салафан халталарда олиб юришига тўғри келмоқда. Оғирлигидан эса барча дарсликларни мактабга олиб бормаяпти. Айниқса, 5 ва 6-синф математика дарсликлари жуда оғир. Улар ихчамроқ ва енгилроқ қилиб чиқарилса, нур устига нур бўлур эди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
ХТВ сектор раҳбари,
дарсликлар ижара тизимини тажриба-синовдан ўтказиш масъул гуруҳи аъзоси

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Сурҳондарё вилояти, Сариосиё тумани Бўлатова М. 20-ўрта мактаб ўқитувчилари номидан

САВОЛ: Ўқитувчилар неча фоиз даромад солиғи тўлашлари керак?

ЖАВОБ: Фуқароларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар даражасини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 24 февралдаги Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 1 мартгача меҳнат қилиш шароитлари алоҳида зарарли бўлган ишлаб чиқаришларда ишлайдиган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар учун солиқ олишнинг имтиёзли тартиби белгиланган фуқароларнинг айрим тоифалари рўйхатини улар даромадларининг ушлаб қолинадиган даражаси 25 фоиздан ошмаслигини назарда тутган ҳолда тасдиқлаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2, 3-рўйхатларига кирувчи меҳнат қилиш шароитлари ғоят оғир ва зарарли, ўта оғир ишлаб чиқаришларда ишлайдиган ходимларнинг даромадларидан солиқлар олишнинг имтиёзли тартиби белгиланган. Фуқароларнинг юқорида қайд этилган тоифалари (ўқитувчилар ҳам шу 3-рўйхатга кирадилар) даромадларининг ушлаб қолинадиган даражаси 25 фоиздан ошмаслиги керак.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Қишки таътилда аксарият талабалар вақтларини кутубхоналарда ўтказишди.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

КОЛЛЕЖДА ОЛТИ СОҲА

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи "Евроосиё" инвестицион фондининг бегараз кўмаги туфайли 1998 йилда ташкил топган эди. Ҳозирги вақтда бу ерда 700 га яқин талабалар банк иши, тижорат-молия, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқий хўжалик фаолияти соҳалари бўйича дастлабки назарий билимларни эгаллашмоқда. Бу йил илк бор 200 нафар битирувчига диплом берилди.

Коллежда ёшлар билан ишлашда маълум тажриба ва малакага эга бўлган 3 нафар фан доктори, 10 нафар фан номзоди, 21 нафар олий тоифали етук мутахассис педагоглар меҳнат қилишмоқда. Ўқув жараёнидаги назарий ва амалий босқичнинг бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда олиб борилишидан талабалар мамнун. Фанлар бўйича бўлим ва кафедралар мавжуд.

Республикамизнинг турли вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан келган ёшлар учун яратилган шарт-шароит ҳам ёмон эмас. 1 та компьютер хонаси, 20 дан ортиқ аудитория, 2 та устахона, 55 ўринли ошхона, 100 ўринли фаоллар зали, 35 минг китоб фондига эга кутубхона улар хизматида. Мўъжазгина бўлса-да, талабга мос, озгина бўлса-да, созгина.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, коллежда ҳар бир битирувчининг истиқболдаги режалари билан қизиқилади, кейинги тақдири ҳақида маълумотлар йиғилади. Ўтган йили битирувчилар "Пахтабанк", "Галлабанк", "Асакабанк", "Алпжамолбанк" муассасаларида ўз амалиётларини ўташди.

Муборак МАҲМУДОВА

«BALIQ OVIDA»...

Dunyoda har qaysi kasb-hunarning o'ziga xos o'rni, qadr-qimmati bor. Ammo ularning orasida eng ulug' va sharaflisi o'qituvchilik kasbidir. Bu kasb o'z o'rnida har bir o'qituvchidan yuksak mas'uliyat talab etadi. Ayniqsa, bugungi kun o'qituvchisi o'z ustida tinmay ishlashi, izlanishi lozim. Sirasini aytganda, ta'lim samaradorligi o'qituvchi mehnatining ijobiy natijasi ekanligi 21 yillik tajribamdan ma'lum. Bunday natijaga erishish esa o'qituvchining tashabbuskorligi va o'z ishiga mas'uliyat bilan ijodiy yondashuviga ham bog'liqdir. Mening darslarimda sinf o'quvchilari shartli ravishda guruhlarga bo'linadilar. Masalan, birinchi guruh o'quvchilari «Baliq ovi»ga chiqishadi. Ovlangan baliqchalar maxsus qog'ozlardan yasalgan bo'lib, orqasida yozilgan misollarni hisoblaydilar. Ikkinchi guruh o'quvchilari mustaqil ravishda misol va masala yechadilar. Zehnlilar guruhi esa test savollariga javob izlaydilar. Doskaga chaqirilgan o'quvchilar figuralar chizish, ularning perimetrini, yuzini aniqlash, jadval ichida ko'paytirish va bo'lish savollariga javob beradilar. Shu tariqa o'quvchilarning matematikaga bo'lgan qiziqishini oshirib boraman. O'quvchilarning matematika fanini bu qadar sevishida ota-onalarning yordami juda katta. Ular uyda farzandlarining dars tayyorlashini muntazam kuzatib boradilar. Bundan tashqari, o'quvchilar dam olishlari uchun darsda ular bilan birgalikda «Kichik iqtisodchi», «Sotuvchi va xaridor» o'yinlarini sahnalashtiramiz.Yangi pedagogik texnologiyaning asosiy talabi — o'quvchining ongini, dunyoqarashini shakllantirish, mustaqil fikrlashga, o'ylashga o'rgatishdir. Ayniqsa, test topshiriqlari bolaning aqlini peshlaydi, fikrlashga, o'ylashga o'rgatadi. Shu maqsadda men o'quvchilarimga quyidagi test topshiriqlarini beraman:

Sinab ko'ring

1. Men bir son o'yladim, uni 9 ga ko'paytirib, 6 ga bo'ldim, 6 hosil bo'ldi. O'ylangan sonni toping.
a) 2;
b) 4;
c) 8;
d) 6

2. Sinfda 20 nafar o'quvchi bor edi. Ularning 1/4 qismi ko'chaga chiqdi. Sinfda nechta bola qolgan?
a) 10;
b)20;
c) 15;
d) 4

3. Dilbar uyni 15 minutda tozaladi, magazinga 5 minut ortiq vaqtda borib keldi. Ikkala ishga necha minut vaqt ketgan?
a) 20;
b) 35;
c) 30;
d) 40

4. 8 ta sigirning oyog'i, boshi va ko'zi nechta bo'ladi?
a) 56;
b) 40;
c) 32;
d) 16

5. Tomonlari 9 sm va 6 sm bo'lgan to'rtburchakning perimetrini toping.
a) 14;
b) 22;
c) 30;
d) 18

6. 1/3 sutka necha soat bo'ladi?
a) 3 soat;
b) 72 soat;
c) 4 soat;
d) 8 soat

7. Ikkita bir xil sonning ko'paytmasi 49 ga teng. O'sha sonni toping.
a) 8;
b) 9;
c) 7;
d) 42

8. Qoldiq har doim qaysi sondan kichik bo'ladi?
a) bo'linuvchidan; b) bo'luvchidan; c) bo'linmadan; d) hech qaysidan.

Darslar yuqoridagi tartibda tashkil qilinsa, o'quvchilarning matematika faniga qiziqishi yanada ortishiga ishonaman.

Oybaland MAHMATRAIMOVA,
Qashqadaryo viloyati G'uzor tumanidagi 34-maktabning 1-toifali boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Талабалар ўйига киришдан тортиб ҳар бир қаватда навбатчилик ташкил қилинганлиги доимо ҳушёр бўлиш кераклигидан далолат.

Виртуал кутубхона ҳали бизда у қадар оммавийлашгани йўқ. Ваҳоланки, ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларигина эмас, балки қуйи босқичдаги таълим муассасаларида ҳам бундай кутубхоналар ўзининг самарасини бераётир.

Ta'limda yangi axborot texnologiyalari

ВИРТУАЛ КУТУБХОНАДАН ДУНЁГА

Кутухоналарсиз бирорта таълим даргоҳини, қолаверса жамиятни тасаввур қилолмаймиз. Китоб инсониятни ҳамиша ёруғ манзилларга элтган, даҳоликка етаклаган. Одамзот ақлий заковатининг маҳсули сифатида юзага келган миллионлаб турли хилдаги ва тилдаги китоблар яна инсониятнинг ўзига хизмат қилмоқда, бой маънавий озуқа бермоқда.

Бугунги шиддаткор, фан-техника ривожланган асрда кутубхоналарнинг янги тури — виртуал кутубхоналар пайдо бўла бошлади. Европанинг ривожланган давлатларида энг катта ва кўп манбаларни ўзида жамлаган бундайин кутубхоналардан ҳозирда миллионлаб кишилар фойдаланишмоқда.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида ҳам виртуал кутубхоналарни ташкил этишга асос солинди. Аслида бунга давлат миқёсида аҳамият берилганлигига ҳам гувоҳмиз. Вазирлар Маҳкамасининг "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори фикримизни исботлайди.

Университетимизнинг бой илмий кутубхонаси ўзининг мижозлари талабини қондириб келаётган бўлса-да, виртуал кутубхонани очиш зарурияти сезила бошлади. Чунки қачонлардир нашр қилинган китоблар бугунги талабага дунё миқёсида рўй бераётган янгиликларни бера олмайди. Қолаверса, ҳозирги тезкор, ўзгарувчан даврда кутубхоналар китоб бойлиги қанчалигига қараб эмас, балки ахборотнинг янгилиги, ҳажми ва улардан фойдаланиш имкониятларига қараб баҳоланади.

Университетимизда "Интернет" тармоғига уланган кутубхона 2001 йилнинг сентябрь ойидан фаолият кўрсата бошлади. Ўқув-услубий ишлар бўйича ректор муовини Б.Ходиев саъй-ҳаракатлари билан энг сўнгги русумдаги 21 та компьютер локал тармоққа қарори фикримизни исботлайди.

Университетимизнинг бой илмий кутубхонаси ўзининг мижозлари талабини қондириб келаётган бўлса-да, виртуал кутубхонани очиш зарурияти сезила бошлади. Чунки қачонлардир нашр қилинган китоблар бугунги талабага дунё миқёсида рўй бераётган янгиликларни бера олмайди. Қолаверса, ҳозирги тезкор, ўзгарувчан даврда кутубхоналар китоб бойлиги қанчалигига қараб эмас, балки ахборотнинг янгилиги, ҳажми ва улардан фойдаланиш имкониятларига қараб баҳоланади.

Университетимизда "Интернет" тармоғига уланган кутубхона 2001 йилнинг сентябрь ойидан фаолият кўрсата бошлади. Ўқув-услубий ишлар бўйича ректор муовини Б.Ходиев саъй-ҳаракатлари билан энг сўнгги русумдаги 21 та компьютер локал тармоққа уланди. Унда "Web-server" яъни электрон шаклдаги китоблар жамланган.

Республика "Устоз" жамғармаси ва СОРОС фондининг молиявий кўмаги билан Американинг "EBSCO" компаниясига тегишли 5,5 миллион долларлик маълумотлар базаларини ола бошладик. Буларда турли мамлакатларда 1991 йилдан то ҳозирги кунгача босилган газета ва журналлардаги материалларнинг аннотация ҳамда тўлиқ матнлари жойлашган. Локал тармоқ орқали талаба ана шу нашрлар мазмуни билан тўлиқ таниша олади. Бизнес ва иқтисодиёт, табобат ва сиёсат, санъат ва спорт, умуман, ижтимоий-гуманитар соҳаларга оид энг сўнгги, шов-шувга сабаб бўлаётган маълумотлар билан талаба тўғридан-тўғри таниша олади. "Интернет" орқали китоб нусхаларини ҳам кўриш, билиш, ҳаттоки ўқиш мумкин.

Виртуал кутубхона бир нечта ташкилотларнинг веб-сайтларини ҳам мижозлар ҳукмига ҳавола этмоқда. Булар орасида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси сайтлари бор.

Биз энг замонавий технологиялар воситасида тўғридан-тўғри ва бир лаҳза ичида ўзга мамлакатлар таълими, маданияти, иқтисодиёти ёки спортидан хабардор бўлаяпмиз. Аммо бу ўзимиздаги таълим мазмунини унутиш эвазига бўлмаслиги керак.

Университетимиз олимлари — профессор-ўқитувчилари томонидан ёзилаётган маъруза матнлари ҳам электрон шаклга киритиляпти. Компьютер хотираси қулай, соз ва тезкорлиги билан тингловчига маъқул тушади. Ўзбек тилидаги компакт-дисклар, мусиқа ва овозли маълумотлар, фильмлар виртуал кутубхонамизнинг яна бир хазинасидир.

Виртуал кутубхона ҳали бизда у қадар оммавийлашгани йўқ. Ваҳоланки, ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларигина эмас, балки қуйи босқичдаги таълим муассасаларида ҳам бундай кутубхоналар ўзининг самарасини бераётир. Чунки у бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, жой тежалади, фойдаланиш қулай ва енгил. Ахборотларни ажратиб қидириш тизими мавжуд. Маълумотни аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва тўлиқ акс эттириш мумкин. Вақт кам сарфланади. Энг муҳим жиҳати эса, ундаги маълумотлар доимий янгиланиб туради ва кутубхона хизматидан қисқа вақт ичида минглаб кишилар баҳраманд бўлади.

Ўтган вақт мобайнида аъзоларимиз сонининг 2000 кишидан ошганлиги бу қайдларимизни тасдиқлайди. Кутубхонамиздан фойдаланувчилар орасида бошқа олий ўқув юртларининг талабалари ҳам бор. Биз уларга ҳам хизмат кўрсатаётганимиздан мамнунмиз.

Шоҳида ҒАНИЕВА,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кутубхонаси директори

Сиз Конституцияни биласизми?

Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, "Маърифат" газетаси таҳририяти танлови

71. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар ким томонидан киритилади?
A) Президент томонидан
B) Олий Мажлис томонидан
C) Референдум томонидан
D) Конституциявий суд томонидан
E) Конституциявий мажлис томонидан

72. Ўзбекистон Республикасида демократия таянадиган умуминсоний принципларга мувофиқ, олий қадрият бўлиб...
A) инсон ҳисобланади
B) инсоннинг ҳаёти, эркинлиги , шаъни ва қадр-қиммати ҳисобланади
C) инсоннинг даҳлсиз ҳуқуқлари ҳисобланади
D) A, B, C
E) A, B

73.Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчини аниқланг.
A) меҳнат қилиш
B) адолатли меҳнат шароитларида ишлаш
C) давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш
D) маҳаллий йиғимларни тўлаш
E) яшаш

74.Қуйидагилардан қайси бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари ҳисобланади?
A) давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устуворлиги, ташқи сиёсат
B) қонунийлик, адолатлилик, байналминаллик, ҳаққонийлик
C) демократик, ошкоралик, инсонпарварлик
D) давлат мустақиллиги, халқ ҳокимияти, қонуннинг устуворлиги, қонунийлик
E) A. B, C, D

75.Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, Марказий банк бошқарувининг раиси лавозимига номзодларни тақдим этиш кимнинг ваколатига киради?
A) Олий Мажлиснинг
B) Олий Мажлис Раисининг
C) Президентнинг
D) Бош вазирнинг
E) Бош прокурорнинг

76.Қайси изоҳ Конституция муқаддимасида белгиланган Ўзбекистон халқининг мақсадига мувофиқ келади?
A) жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юқори даражада таъминлаш
B) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг турмушини яхшилаш
C) фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш
D) A, B
E) A, B, C

77.Ўзбекистон Республикасида демократия қуйидагилардан қайси бирига асосланади?
A) шахснинг тўла эркинлигига
B) умуминсоний принципларга
C) хусусий мулкчиликка
D) A, B
E) A, C

78.Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра республиканинг барча фуқаролари...
A) икки фуқаролик бўлиш ҳуқуқига эгадирлар
B) бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар
C) қонун қабул қиладилар
D) A,B
E) B, C

79.Қуйидагилардан Олий Мажлис Раисининг ваколатини аниқланг.
A) Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун номзодларни тақдим этиш
B) Президент фармонларини тасдиқлаш
C) Унвонларни таъсис этиш
D) Давлат мукофотларини таъсис этиш
E) Ҳамма жавоблар тўғри

80.Конституцияга мувофиқ, фавқулодда ҳолат қандай жорий қилинади?
A) Президент Фармони билан жорий этилиб, уч кун мобайнида Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши лозим
B) Олий Кенгаш розилигини олгандан сўнг, Президент томонидан бир кун мобайнида жорий этилади
C) Президент томонидан жорий этилади ва бир ҳафта ичида Вазирлар Маҳкамасининг розилиги олинади
D) A, C
E) A, B, C

Anjuman

КОМПЬЮТЕРГА ҲАМ ИҚТИДОР КЕРАК

Ўтган куни Тошкент автомобиль-йўллар институтида "Компьютерлаштириш XXI асрда жамият тараққиётининг долзарб йўналишидир" мавзусида ижодий анжуман бўлиб ўтди. Унга республика олий ўқув юртлари иқтидорли талабалари таклиф этилган эди.

Сўзга чиққанлар таълим тизимини ривожлантириш энг замонавий ва сўнгги русумдаги технологияларга боғлиқ бўлиб қолаётганлигини таъкидлашди. Бугунги кунда бундай технологиялар мушкулни осон қилиб, таълим тизими имкониятларини кенгайтирмоқда. Зеро, компьютерлаштириш жараёнини барча таълим муассасаларига олиб кириш зарурати сезиляпти. Интернет тизими орқали дунё миқёсидаги таълим янгиликларини ўз тизимимизга олиб киришга қисман муваффақ бўлсак-да, ҳали бу соҳани ривожлантиришда қусурлар бор.

Йиғилишда талабалар интернет тармоғидан фойдаланиш ва компьютер дастурларини яратиш тажрибаси, замонавий технологиялар танловларида иштирок этиш шартлари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Иқтидорли талабалар иштирокидаги бу анжуманда номдор стипендиантлар, республика фан олимпиадалари ғолиблари ҳамда ўз илмий мақолалари билан тан олинган 61 нафар талабаларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Анжуман сўнггида иштирокчилар компьютер технологиялари ва дастурлари кўргазмаси билан танишдилар.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Маърифат" мухбири

ТАШҚАРИДА ЁҒАР ҚОР...

Вилоят марказини мамлакатимиз пойтахти билан боғловчи катта йўлнинг ёқасида жойлашган Чуст тиббиёт коллежи тўлалигича мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган. Бу ердаги тартиб-интизом, покизалик, ўзаро самимий муносабатни кўриб ҳар қандай кишининг кўнгли яйрайди. Ҳамроҳим, коллеж директори Саодат опа Ниёзова билан бирга талабалар уйига кирдик. Хоналар шинам, ёруғ ва озода. Иситиш тармоқлари қўлни куйдиргудек бўлиб ишлаяпти. Ҳар бир хона меҳмонхоналардан қолишмайди. Наввбат билан ўқув биноларига ўтиб, аудиторияларга кирар эканмиз, бу ерда ҳам ётоқхонадаги каби ўрнак олишга арзигулик ҳолатни кўриб хурсанд бўлдик. Ўн беш минг китоб фондига эга бўлган кутубхонада талабалар ўзларига керакли маълумотларни олишлари учун барча шароитлар мавжуд.

— Бизнинг билим олишимиз учун мана шундай имкониятларни яратиб берган давлатимизнинг ишончини албатта оқлаймиз, — дея дил изҳорларини баён этишди кутубхонанинг ўқув залида дарс тайёрлаб ўтирган бўлажак тиббиётчилар.

— Дарҳақиқат, бугун бундай қулайликлардан оқилона фойдаланган, тинимсиз изланган талабагина эртанги келажагимизнинг устуни бўлиши мумкин, — дейди Саодат опа, — айни пайтда таълим тизимида кечаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам шу...

Чустдаги яна битта ибратли илм маскани — педагогика билим юртига келганимизда навбатчиликда турган қизлар:

— Ассалому алайкум, хуш келибсиз! Сизга ким керак эди? — деб, ким ва нима мақсадда келганлигимизни сўрашди. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Набихон ака Мадаминов билан билим юртидаги аҳвол билан танишиш давомида "яхшига ёндошсанг, етарсан муродга..."деган нақлнинг қанчалар ҳақ эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Мазкур даргоҳда тиббиёт коллежидаги сингари ошхона, ўқув бинолорию талабалар уйи янги қурилган бўлмаса-да, лекин, уларникидан қолишмайдиган ҳолатда экан. Талабалар уйига киришдан тортиб ҳар бир қаватда нав-батчилик ташкил қилинганлиги доимо ҳушёр бўлиш кераклигидан далолат. Иситиш тармоқларини кўздан кечиришдан аввал талабаларнинг ўзларидан бу хусусда сўраганимизда:

— Ташқарида ёғар қор,

Уйимизда зумрад баҳор, — дея шеърий йўл билан жавоб берди ўзини 2-гуруҳ талабаси деб таништирган Музаффар Абдусаломов.

Чиндан ҳам шундай экан. Акс ҳолда талаба оддий сўз билан ҳам жавоб бериши амри-маҳол эди. Мен улар билан хайрлашар эканман, Музаффар сингари ҳозиржавоб, зукко талабаларни кўрганда ҳар қандай кишининг хаёлидан "Сенинг истиқболинг мана шундай фарзандларинг билан порлоқдир, она Ўзбекистоним!" деган сўзлар ўтишини ўйладим.

Хуршид СУЛТОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида ўтказилган «Ҳозирги шароитда фуқаро муҳофазасининг долзарб мавзулари» республика илмий-амалий анжуманида таълим тизимида ёш авлодга хавфсизлик сабоқларини бериш муаммолари ҳам кўриб чиқилди. Қуйида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларимизнинг хавфсизлик маданиятларини ошириш борасида билдирилган фикрлар билан танишасиз.

«ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ» КУРСИ ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛМОҚДА?

O'zimizni o'zimiz asraylik!

Фан-техника юксак тараққий этган, коинот забт этилган даврда инсонга ҳеч қандай хавф таҳдид солмаётгандек туюлади. Аслида ҳам шундайми?

Оммавий ахборот воситаларига назар ташласак, деярли ҳар куни дунёнинг бирор бурчагида содир бўлган фалокат тўғрисидаги хабарга кўзимиз тушади. Авария, халокат ва табиий офатлар оқибатида инсонлар қурбон бўлаётган экан, керакли муҳофаза чораларини кўриш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этишда эса аҳоли тайёргарлиги муҳим ўрин тутади.

Инсон фавқулодда вазиятлар содир бўлишига тайёр турса, у ёки бу хавфли ҳолатда ўзини тўғри тутишни билса, йўқотишлар сони ҳам анчагина камаяди. Зеро, бундай шароитда қурбон бўлганларнинг 40 фоизи тўғри ҳаракат қилишни билмаганликларидан нобуд бўлмоқдалар.

Тайёргарлиқ масаласи долзарб мавзуга айланган экан, уни гўдакликдан олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Болалар 3-5 ёшлариданоқ турли хавфли шароитларда ўзларини муҳофаза қилишнинг аниқ бир ҳаракатларини бажара олиш қобилиятига эгалар. Уни тўғри ўқитиш орқали фавқулодда вазият соҳасидаги билимларини бойитиб бориш ва мукаммаллаштириш учун мустаҳкам асос, негиз яратиш мумкин. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, боланинг характери 12 ёшгача шаклланади, инсон бу даврда бутун умри мобайнида оладиган ахборотнинг 70 фоизини қабул қилади.

Шу ўринда, республикамиз умумий ўрта таълим муассасаларида 1999-2000 ўқув йилидан «Инсон хавфсизлиги» курсининг жорий этилиши айни муддао бўлди. Унинг асосий мақсади ўқувчиларни хавфли вазиятни кўра билишга, ҳис қилишга ва бу вақтда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларига ўргатишдан иборат.

Бунда, мавзуларнинг турли соҳаларни қамраб олганлиги ҳам ўқитувчининг махсус тайёргарликдан ўтишини талаб қилади. Боз устига, ажратилган соатлар миқдори (1-9-синфларда жами 64 соат) ўқувчиларнинг етарлича билим олишлари учун озлик қилади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим мактабларида хавфсизлик сабоқларини беришда юзага келадиган муаммоларнинг ечими қуйидагича бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз:

1. Республика умумий ўрта таълим муассасалари ўқув режасида кўзда тутилган, тасдиқланган дастурларига эга бўлган, мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан ўтиладиган «Йўл ҳаракати қоидалари» ва «Соғлом авлод асослари» курсларини «Инсон хавфсизлиги асослари» курси билан бирлаштириб, таълим стандартига ягона «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» фанинини киритиш ҳамда мукаммал дастур ишлаб чиқиш зарур.

2. Ҳар бир умумий ўрта таълим муассасасида ўқитувчи-ташкилотчи лавозимини ташкил этиш лозим. Ўқитувчининг алоҳида иш ўрнига эга бўлиши, биринчидан, ундан ўз вазифасига масъулият билан ёндошишини талаб этса, иккинчидан, 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб республикамизнинг қатор олий ўқув юртларида таҳсил олишни бошлаган бўлажак «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» ўқитувчилари учун иш муаммоси ўз ечимини топади.

3. Замон талабига жавоб берувчи дарсликлар масаласини ҳал этиш лозим. Бунинг учун Фуқаро муҳофазаси институти мутахассислари, етакчи педагоглар, психологлар жалб қилиниши зарур.

4. Ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» кафедрасини очиш замон талабларидан биридир. Умумий ўрта таълим мактаблари сонидан келиб чиқадиган бўлсак, педагогика олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларимиз (434 нафар) хавфсизлик сабоқларини берувчи ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни яқин келажакда қондира олмайди. Кадрлар етишмаслиги муаммосини ҳозирча биология, кимё фанлари ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларини қайта тайёрлаш орқали ҳал этиш мумкин.

5. Хавфсизлик масалаларини ёритиб боришга газета, журналларимиз кенг жалб қилиниши зарур. Телевиденеда махсус кўрсатув ташкил қилиниши ўқувчиларга хавфсизлик сабоқларини беришни анча енгиллаштиради. Бу масалада республикамиз ўқитув-чиларининг етакчи нашри «Маърифат» газетасининг ўрни алоҳида бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Ушбу тадбирлар амалга оширилса, олдимизда долзарб масала бўлиб турган ёш авлодни фавқулодда вазиятлар шароитида тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, ўқувчилар ўртасида хавфсизлик маданиятини юқори кўтариш вазифаларини ҳал қилишда муҳим қадам ташланган бўлади.

Биз умумий ўрта таълим мактабларида «Инсон хавфсизлиги асослари» дарслари бўйича сабоқ бераётган ҳурматли ҳамкасбларимизга таянамиз. Уйлаймизки, улар ёш авлодни ҳар қандай вазиятга тайёр туришга ўргатадилар.

Захро ИЛЁСОВА,
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

МАЛАКА ОШИРИШГА МАЪРУЗА МАТНИ БИЛАН

Barча олий ўқув юртлари ҳузуридаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари, марказлари, факультетлари раҳбарлари, олий ўқув юртлари ректорларининг академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг бўйича муовинлари, вазирлик бошқарма бошлиқлари иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли «Урта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга бағишлан-

Qaror va ijro

ган мажлис бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов ушбу қарорни бажариш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталди. Педагоглар малакасини ошириш, энг замонавий талаблар бу соҳада эришилган илғор тажрибалар, чет элда амалга оширилаётган етук услубларга таянади. Янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, ёшлар қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириб бориш, "Интернет" тармоқларидан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлиги йиғинда қайд қилиб ўтилди. Вазир дарсликлар, ўқув адабиётлари, маъруза матнлари тайёрлашнинг ҳозирги даврдаги аҳамиятига алоҳида урғу бериб, бу йўналишда анча ишлар қилинганини таъкидлади ва истиқболдаги вазифаларни кўрсатиб ўтди. Малака оширишга келган ҳар бир тингловчи ўзи тайёрлаган маъруза матнига эга бўлиши керак. Уни ўқиш жараёнида муҳокамасини ташкил қилиш, баҳолаш ва битирув иши сифатида ҳимоя қилиш нафақат ҳар бир фандан янги ва мукаммал адабиётга эга бўлиш, балки кейинчалик шу асосида дарслик ёки ўқув қўлланмаси яратишга асос бўлиши айтиб ўтилди.

Чет элларда малака оширишда бўлиб келган профессор-ўқитувчилар билимларидан унумли фойдаланиш, жойларда малака ошириш ва қайта тайёрлаш филиалларини ташкил қилиш, соҳа раҳбарларининг иш фаолиятини баҳолаш ва тегишли хулоса чиқариш, касб-ҳунар коллежларининг компьютер синфларини интернет тармоғига улаш, кутубхоналарни тўлдириш каби масалалар вазирнинг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Ж.Ҳусанов нутқининг асосий мағзини ташкил қилди.

Мухбиримиз

Ҳозирги кунда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида кўпгина мактабгача таълим муассасаларида турли хил тўгараклар ташкил қилиниб, болажонларга ўргатилмоқда. А. Икромов туманидаги 19-болалар боғчасида ҳам спорт, ҳунармандчилик, рассомчилик каби бир қатор тўгараклар фаолият олиб бормоқда. Ушбу тўгаракларга масканда тарбияланувчи болалар катта қизиқиш билан қатнашишмоқда.

Суратларда: спорт ва ҳунармандчилик тўгаракларида кичкинтойлар машғул.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўқувчи ўз китоб жавонини тўлдириб турган ушбу ҳуқуқий қомусдан баҳраманд бўлар экан, ўзига етарлича маънавий озуқа олади.

Собиқ директор нафақага чиққанлиги боис бир қанча муддат "эгасиз" қолган мактабдан файз-барака кўтарилиб, жамоа ҳам анча тушкун кайфиятга тушиб қолган эди.

Ma'rifat

БИР БЕЛГИ ТАРИХИ

Imlo

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувининг Республикамизда қайта тикланиши маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Ўзбекистонда XX асрнинг I чораги охирларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини яратиш жараёнида ўзбек тили ҳақидаги фанда тутуқ белгиси атамаси ва шу тушунчани ифодаловчи шакл пайдо бўлди. Ўтган давр ичида мазкур атама апостроф, имло белгиси, орфографик белги деб номланди, ва ниҳоят, 1995 йил 6 майдан бошлаб тутуқ белгиси атамаси қайта тикланди.

Туркистон Республикасида араб алифбосидан лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ўтиш масаласини биринчи марта ўртага қўйган зиёли тошкентлик Боту — Маҳмуд Ҳодиев (1904 — 1938) бўлган.

Туркистон Халқ маориф комиссарлигининг ташаббуси билан 1921 йилнинг 18 январида Тошкент шаҳрида ўзбек тили ва имлоси юзасидан қурултой ўтказилади. Бу қурултой якунида ҳозирча ислоҳ қилинган араб алифбоси асосида иш олиб бориш ҳақида қарор қабул қилинади.

Ўзбекистонда янги алифбога ўтиш масаласи 1926 йил 26 февралдан, яъни собиқ Иттифоқдаги туркийшунос олимларнинг Бокуда очилган биринчи қурултойидан сўнг бошланган. (Бу қурултойда туркий халқларнинг алифболари масаласи ҳам муҳокама қилинган эди. Қурултойга Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашган.) Республикамизда янги ўзбек алифбосини ҳозирлаш юзасидан махсус ҳайъат тузилган; ҳозирланган алифбо лойиҳаси 1926 йил 19-21 майда Самарқанд шаҳрида (республика пойтахтида) ўтган илмий кенгашда маъқулланган.

Мазкур алифбони тузишда ҳар бир нутқ товушига алоҳида ҳарф олиш ("бир товушга бир белги") тамойилига амал қилинган, яъни ўзбек тилидаги ундош товушлар учун 23 ҳарф, унлилар эса 10 хил ҳарф билан кўрсатилган. (1919 йилда Тошкентда нашр қилинган "Битим йўллари" қўлланмасида ёзувимизда олти чўзғи (унли) ҳарф бор" деб, Шокирхон Раҳимовнинг 1919 йилда Тошкентда нашр қилинган "Совға" алифбо китобида унли ҳарфлар сони 6 та эканлиги кўрсатилган эди.) Ўзбек тилидаги унли товушларни 10 та деб кўрсатишда нутқ товушларининг йўғонлик ва ингичкалик тамойили — сингармонизм асос қилиб олинган. Ўзбек тили имлосида мазкур тамойилга асосланиш ўзбек тилшунослигида 1934 йил 15 январда ўтган тил-имло конференциясига қадар давом этган.

Анъанавий араб алифбосидаги алиф ифодалаган ўзбекча унли товушлар лотин алифбосида 3 хил ҳарф билан кўрсатилган: от, олов каби сўзлардаги О товуши — А ҳарфи, қолғон сўзидаги унли товуш -а, саман, мана сўзларидаги унли товушлар а ҳарфи билан ифодаланган. Аслида от, қолғон сўзларидаги унли товушлар бир фонемани ифодалайди; ёнма-ён келган товушларнинг таъсирида бирида ингичка, бошқасида эса йўғон айтилади; от ва саман сўзларидаги унли товушлар икки хил фонемани билдиради.

1926 йил 19-21 майда муҳокама қилиниб маъқулланган алифбонинг охирида mas'ala сўзи мисолида ҳозирда тутуқ белгиси деб номланган белги ҳам кўрсатилган, аммо унинг номи тилга олинмаган эди.

Мазкур алифбо кўриб чиқиш учун Ўзбекистон илмий Марказига топширилади. Илмий марказ ходимлари (раис Отажон Ҳошимов) алифбони ўрганиб, фикр-мулоҳазаларни тақризда баён қилиб, алифбони янгидан тузиб чиқишни зарур, деб топадилар. Илмий марказда ҳозирланган алифбо лойиҳаси эса 27-29 августда республика пойтахтида ўтган илмий конференцияда маъқулланган ва қабул қилинган.

Бу алифбони тузишда ҳам синг армонизм нутқ товушларининг йўғонлиқ-ингичкалик тамойили асос қилиб олинган, ҳарфларнинг сони 35 та эканлиги кўрсатилган.

Алифбо лойиҳасининг охирида тутуқ белгиси ҳақида қуйидаги изоҳ берилган: "Чет сўзларнинг айтилишини сақлаш учун мана шу туруш (апостроф) аломати қабул қилинди: ' ".

Маълум бўлдики, лотин ёзувига асосланган ўзбек тили алифбосининг юқорида кўрсатиб ўтилган икки турида ҳам тутуқ белгиси мисоллар воситасида берилган. Алифбонинг август ойида маъқулланган турида тутуқ белгиси "чет сўзлар"да — араб тилидаги талаффузини сақлаш назарда тутилган. Мазкур белги тутуқ ҳамда юнонча апостроф атамалари билан номланган. Бу икки алифбода ҳам лотинча ҳарфларнинг ёзма ва босма кўриниши фақат кичик ҳарф шаклида бўлган; ҳарфларнинг қайси товушларни ифодалаши сўзлар воситасида арабча ҳарфларга қиёсан кўрсатилган, аммо ҳарфларнинг номи (а, бе, ...) берилмаган.

Араб алифбосидаги хатларнинг тури 7 хил бўлиб, Ўрта Осиёда мазкур хат турларидан бири, настаълиқ хати кенг қўлланган. Бу хат турида ҳарфлар фақат кичик ҳарф шаклида ёзилади, бош-катта ҳарфлар йўқ.

Лотинча ҳарфлар асосида тузилган илк ўзбек алифболарида ҳам ҳарфлар ёзма ва босма кичик шаклда бўлиб, гаплар ҳам, атоқли исмлар ҳам кичик ҳарфлар билан бошланаверган. Бу эса қийинчиликлар туғдирган, чунончи: Кеча бозорни кўрдим гапини икки хил тушуниш мумкин: бозорни — жой номи, турдош от; Бозорни — киши исми, атоқли от.

1929 йил 15 майда иш бошлаган адабий тил, истилоҳ ва имло масалалари юзасидан ўтказилган илмий конференцияда алифбога ҳам ўзгаришлар киритилган, ўзбек алифбосига ёзма ва босма бош ҳарфлар қўшилган.

Мазкур анжуманнинг "Илмо тўғрисидаги конференция қарори"да тутуқ белгиси ҳақида бундай ёзилган эди:

Тутуқ (апостроф) арабнинг худди "айн", "ҳамза"си ўрнигаги олинган деб тушуниш тўғри келмайдир:

1. Арабча сўзларда:

а) унли товушларга ютулиб кетганда: Abdulla, alam каби;

б) "ҳамза" бизнинг тилда йўқолиб кетадиган ўринларда тутуқ ёзилмайдир. (Алифбонинг 1926 йилги май турида mas'ala сўзи тутуқ белгиси билан ёзилган эди).

2. Бўғун тузулиши бузилмоқ эҳтимоли бўлгондагина ёки бўғун охирида чўзилиброқ айтилгандагина ёзилади: tobe', jame'.

Маълум бўлдики, араб тилида ёзилган хатда сўзнинг қаерида айн товуши — ҳарф бўлса, шу сўз ўзбек тилида ҳам қўлланганда, ҳамма вақт эмас, "унли товушларга ютулиб кетганда" тутуқ белгиси қўйилмайди, чунончи: Айний, Абдулла Алавий, муаллим ва бошқалар.

Мазкур масаланинг муҳимлиги, мутахассислар фикрининг икки хиллиги, айни вақтда мураккаблиги махсус илмий кенгаш ўтказишни тақозо қилган. 1934 йилда имло ва адабий тил юзасидан Тошкентда махсус конференция ўтказилган. Бу анжуманда имлодаги сингармонизм-йўғонлик-ингичкалик тамойилидан воз кечилган; ўзбек тили имлоси учун фонетик-морфологик тамойил асос қилиб олинган. Аммо бир масалада, яъни ўзбек тилида "о" ловчи ва "а" ловчи маҳаллий шевалар бор деб, адабий тилдаги осон ва мана каби сўзлардаги икки хил унли фонемани ифодалаш учун бир ҳарф — а ҳарфини олишга қарор қилинган, яъни мазкур икки хил нутқ товуши бир хил ҳарф билан ёзилиши қатъийлаштирилган.

Конференцияда сўз маъноси ўзгарадиган ўринлардагина а ҳарфи ёзилади, деб қоидалаштирилган: ана — ana, таг-tag, бас—bas. Алим—Alim, Аваз—Avaz.

1934 йил январда Тошкентда имло ва адабий тил масалалари юзасидан чиқарилган Республика конференцияси лотинлаштирилган ўзбек алифбосига ўзгаришлар киритиб, b, у, е, ҳарфларини (юмшоқ, ингичка унлиларни) алифбодан чиқарган, лекин бу алифбо ҳам йиллар ўтиши билан талабга жавоб бера олмай қолди.

1938 йилда Тил ва адабиёт илмий текшириш институти ходимлари алифбо ва имло масаласи юзасидан иш олиб боришга киришдилар, алифбо лойиҳасини, янги имло қоидаларини тузадилар. 1938 йил 9 декабрда "Ўқитувчилар газетасида"да алифбо лойиҳаси ҳамда "Ўзбек тилининг янги орфография проекти" муҳокама учун босиб чиқарилди.

"Ўзбек тилининг янги орфография проекти"да "тутуқ белгиси" атамаси апостроф билан алмаштирилиб, унинг қўлланиш ўринлари ҳақида бундай қоидалар берилди:

Баъзи арабча сўзларнинг маънолари бузилмаслиги учун боғланиш ёки бироз тўхталиш ўринларида апостроф қўйилади: nash'a (nasha эмас).

Эслатма 1. Апострофнинг қўйилмаслиги сўзларнинг маъноларига ҳалал бермаса, апостроф қўйилмайди: malum, malumot, maqul, mamuriyat, masala ва ҳ.к.

Эслатма 2. Аслида арабчадан биринчи бўғин і унлиси билан айтиладиган ilon, i'tiroz, Ni'mat сўзлари айтилишича е билан ва апострофсиз ёзилади: elon, etibor, etiroz, Nemat ва ҳ.к.[1]

Бу алифбо ва имло қоидалари архивда газета саҳифасида қолиб кетган...

Ўзбекистонда рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтиш масаласи 1938 йилнинг биринчи чорагидан бошланган. 1939 йил 23 ноябрда "Ўқитувчилар газетаси"да Тил-адабиёт илмий-текшириш институти ҳозирлаган алифбо лойиҳаси кенг муҳокама учун босилиб чиққан. Бу алифбода айириш белгиси—ъ ҳамда орфографик белги —, билан 35 ҳарф бор эди.

1940 йил 8 майда қонун билан қабул қилинган ўзбек орфографиясининг асосий имло қоидаларида қуйидаги ҳолларда қўлланиши кўрсатилди:

§ 48. Айириш белгиси -ъ сўз ўзаклари бошидаги е, ё, ю, я товушларини йе, йо, йу, йа тарзида талаффуз этиш учун қўлланилади: съезд, объект, разъезд, подъезд, съемка ва ҳ.к.

§ 49. Араб тилидан ўзбек тилига кириб қолган ва ўзлашиб кетган баъзи бир сўзларнинг маъноларини бузмаслик ҳамда уларнинг этимологик хусусиятларини кўрсатиш мақсадида қуйидаги ҳолларда орфографик белги (ҳозирги тутуқ белгиси) қўйилади: а) ан'ана, жур'ат, жуз'ий, даф'а, ин'ом, наш'а, қат'ий, сан'ат каби сўзларда ундошлардан сўнг бир оз тутилиб айтиш учун; б) а'ло, а'зо, ба'зи, да'во, ма'но, Ра'но, та'лим, та'кид, ва'да сўзларида ўзидан олдин келган унлиларни бир оз чўзиб айтиш учун; в) шунингдек, манба', тама', ихтиро' ҳамда жам', нав', ман' каби сўзларнинг охирида...

§ 50. Баъзи сўз ўзаклари орасидаги е, ё, ю, я товушларини ўзидан олдин келган ундошларга қўшиб юбормаслик учун улар ҳар вақт орфографик белги билан ажратилади: дун'ё, дар'ё, ҳад'я, аш'ё, так'я, гир'я, гир'ён, фар'ёд, Ил'ёс, Яҳ'ё ва ҳ.к."

"Рус графикаси асосида янги ўзбек алифбоси"да 1941 йилда нашр қилинган "Узбекский язык" дарслигида имло белгисининг қўлланиш ўринлари қуйидагича берилган эди:

"Унли товушлардан кейин қўйилган имло белгиси шу товушни айтишда овоз бироз тўхталиб, чўзиброқ талаффуз қилинишига ишора қилади, масалан: ба'зи, а'лочи.

Ундош товушлардан кейин қўйилган имло белгиси шу ундошдан кейин овознинг бирмунча тўхталишига ишора қилади, масалан: сан'ат, сур'ат. я, ё, ю, е ҳарфларидан олдин қўйилган имло белгиси мазкур ҳарфларнинг ҳар икки нутқ товушини, яъни й+а, й+о, й+у, й+э билдиради, масалан: дар'ё, ҳад'я ва бошқалар."

Маълум бўлдики, тутуқ белгиси "Имло қоидалари"да "айириш белгиси", дарсликда эса "Имло белгиси" атамалари билан ифодаланган; "Имло қоидалари"дан олинган кўчирмада товуш ва ҳарф атамаларини қўллашда ноаниқликка йўл қўйилган, ўзбек ёзувида дар'ё, ҳад'я сўзларидаги ё, я, ҳарфларидан аввал имло белгисининг қўйилиши асоссиз бўлган.

"Бирлашган ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари" ҳақида 1945 йилдан сўнг турли фикр-мулоҳазалар матбуотда берила бошланди. Бу масала бўйича Тил ва адабиёт институтининг мутахассислари шуғулланди. Натижада 1940 йилда қабул қилинган "Асосий имло қоидалари"нинг тузатиб тўлдирилган нусхаси ҳозирланди, муҳокама учун матбуотда берилди...

1956 йилда тасдиқланган "Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари"да тутуқ белгиси атамаси айириш белгиси билан алмаштирилди. "Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари"нинг 29-бандида айириш белгиси (ъ) қуйидаги ҳолларда қўлланиши кўрсатилди:

1. Сўз ўртасида е, ё, ю, я ҳарфларидан олдин келиб, уларни олдинги ундошдан ажратиш учун ёзилади: объект, субъект, съёмка, съезд, подъезд, разъезд, адъютант каби;

2. Билъакс, бидъат, журъат, санъат, суръат, масъул, қалъа каби сўзларда, а, у унлиларини олдинги ундошдан ажратиш учун ёзилади;

3. Даъво, таъна, таъмин, мўътабар, мўътадил, мўъжиза каби сўзларда ундош товушдан кейин келган унлиларни чўзиброқ айтиш учун ёзилади.

Аммо дарё, дунё, бунёд, ҳадя, тақя, афюн каби сўзларда, Мирюсуф, Матёқуб, Миряҳё каби киши отларида, боряпти, келяпти, ёзяпти каби феъллларда ва жам, нав, тобе, воқе сўзлари охирида айириш белгиси ёзилмайди.

Ўзбекистонда 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган рус графикасига асосланган ёзув 2005 йил 1 сентябргача, яъни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва шу асосда тузилган имло қоидаларига тўлиқ ўтгунга қадар ўз кучини тўлиқ сақлайди.

Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришгач, янги алифбо масаласи ўртага қўйилди. 1993 йил 2 сентябрда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида" қонун чиқди. Бу алифбода 31 ҳарф ва бир белги апостроф бор эди. 1993 йил охирида янги алифбо асосида имло қоидаларини тузувчи ишчи гуруҳ ҳайъати иш бошлади. 1995 йил 6 майда, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган янги ўзбек алифбосига айрим қўшимчалар киритиш ҳақида қонун эълон қилинди. Бу қонунда ўзбек алифбосидаги ҳарфлар сони 26 та эканлиги, ўзбек адабий тилидаги уч нутқ товушининг ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланиши (sh, ch, ng), айрим ҳарфларнинг шакли қисман ислоҳ қилинганлиги кўрсатилди.

1995 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" тасдиқланди. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган алифбонинг охирида берилган апостроф атамаси "тутуқ белгиси" деб номланиб, "Имло қоидалари"да унинг қўлланиш ўринлари кўрсатилди.

Тутуқ белгиси асли араб тилига хос сўзлардан ўзбек тилида ҳам ишлатилганларида қуйидаги ўринларда қўлланилади:

1. а, е, и унли товуш-ҳарфларидан сўнг уларни бироз чўзиб талаффуз қилишга ишора қилиш учун, чунончи: a'zo, A'zam ma'naviyat va ma'rifat, e'lon, Ne'mat, she'r, fe'l, Nu'mon.

Эслатма: mo'tadil, mo'tabar каби сўзлардаги о' унлиси ҳам бироз чўзиб талаффуз қилинади, аммо алифбодаги о' ҳарфи кўчиш белгиси билан ёзилганлиги учун икки хил белгининг кўчиш ва тутуқ белгисининг ёнма-ён бўлиши ноқулайлик туғдириши эътиборга олиниб, о' ҳарфидан сўнг тутуқ белгиси қўйилмаслиги маъқул топилди. Таълим жараёнида юқоридаги каби бир неча сўздаги о' ҳарфидан товушнинг чўзиқроқ талаффуз қилинишини эслатиб туриш тавсия қилинади.

2. Jur'at, Tal'at, qal'a, sun'iy, an'ana, qur'a каби сўзларда сўз бўғинларини бироз ажратиб ишора қилиш учун қўйилади.

Изоҳ: Маълумки, s ва h ҳарфлари sholi, osh каби сўзларда бир товушни — ш товушини ифодалайди. Аммо оз бўлса ҳам шундай сўзлар борки, уларда ёнма-ён келган s ва h ҳарфлари бир товушни эмас, мустақил икки фонемани ифодалайди. Бундай ҳолларда уларни бир товуш тарзида эмас, икки товуш тарзида айтиш учун s ва h ҳарфлари орасига тутуқ белгиси қўйиб ёзилади, масалан: Is'hoqov, mas'h (tortish), as'hob каби.

Ўзбек ёзувининг 20-йиллардаги аҳволи шаклдан-шаклга ўта-ўта уни алмаштиришдан бошқа илож қолмаганлигини намоён қилган эди. Шу даврда Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романининг 1, 2, 3-бўлимлари (1925-1926 йил) алоҳида-алоҳида муқоваларда нашр қилинган. Адиб "Ўтган кунлар"нинг биринчи бўлимида (1925 йил) ёзган "Узр"ида ўша даврдаги алифбо ва имлонинг аҳволи ҳақида ўкиниб бундай ёзган эди:

"Рўман деб сизга тақдим қилинғон бу нарса дунёга келиши биланоқ бахтсизликка учрай бошлоғон эди: беш йиллаб босила олмай ётди. Ниҳоят, бу кун босилиш муяссар бўлғонида ҳам турли зарбларга учради: имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди..."

Биз ўзбек тили имлосининг илмий ишланиш даражасини тутуқ белгиси мисолида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва янги имло қоидалари ҳақидаги билимларингизни яна ҳам бойитиш, ўзбек тилшунослигининг илмий изланишлари билан танишиш учун янги имло қоидаларини яна бир бор кўздан кечириб чиқинг.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди

МАКТАБ ЎЗ РАҲБАРИНИ ТОПДИ

Айтишадики: "Дарахтнинг ҳосили қанча кўп бўлса, унинг шохлари ҳам ерга шу қадар паст эгилади". Устозлар хусусида худди шу гапни айтиш мумкин. Улар қаерда, қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, доимо ёш авлод ташвиши, таълим-тарбияси ва камоли билан яшайдилар.

Чиноз туманидаги Акмал Пўлат номли 26-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари билан бўлган суҳбатда ҳам ана шунга яна бир бор амин бўлдик.

Собиқ директор нафақага чиққанлиги боис бир қанча муддат "эгасиз" қолган мактабдан файз-барака кўтарилиб, жамоа ҳам анча тушкун кайфиятга тушиб қолган эди. Зеро, бу лавозимга бир қанча номзодлар бўлса-да, жамоа дардларига дармон бўлувчи ҳақиқий фидойи раҳбарга муҳтож эди. Шундай қилиб, мактаб жамоаси, ўқувчилар ва ҳатто ота-оналарнинг ташаббуси билан ушбу илм даргоҳига Анвар ака Маҳмудов директор этиб тайинланди.

Анвар ака ўзининг ишини пухта биладиган, ўз касбини севадиган, шогирдлари ва ҳамкасбларига ғамхўр, шу билан бирга ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ниҳоятда талабчан ва ҳалол раҳбар сифатида танилган.

Ундан ташқари раҳбар зарур вақтларда Ў.Усмонова, М.Азларова, З. Обидова, Қ.Ғуломова, Б.Йўлдошева каби бир неча ўн йиллик тажрибага эга ўқитувчилар маслаҳатига, йўл-йўриқларига таяниб иш олиб бормоқда. Ҳатто ота-оналар ҳам фарзандларининг ишончли қўлларда эканлигидан хотиржам, фарзандлари тарбиясини ўқитувчи-устозлар билан биргаликда олиб бормоқдалар.

Директор ташаббуси билан ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини бекор ўтказмаслик мақсадида мактабда рассомчилик, инглиз тили каби тўгараклар ташкил этилди. Ҳар бир тўгарак тажрибали мутахассислар бошқарувида. Жумладан, инглиз тили тўгарагини мактаб раҳбари олиб боради... Бир сўз билан айтганда, ёшларга таълим-тарбия беришни ўз бурчи деб билган бундай инсонларнинг эл-юрт олдидаги хизматлари беқиёс.

Ўз умрини келажакка бағишлаган шундай устоз-мураббийлар сафи кенгаяверсин.

М.АХУНОВА

ҲАММАБОП ҲУҚУҚИЙ ҚОМУС

Kitob javoningizga

Ҳаёт тақозо этаётган муҳим мақсадга эришишда қатор ижобий ишларни амалга ошириб келаётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси олимлари яқинда яна бир қимматли ташаббус билан чиқдилар. Юридик фанлари доктори, профессор У.Тожихонов таҳрири остида "Юридик энциклопедия"ни кенг жамоатчилик ва китобхонлар оммасига тақдим этдилар.

Ушбу академия олимлари томонидан катта изланишлар эвазига тайёрланган бу бебаҳо манба аҳолининг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий билимларини ҳамда ҳуқуқий маънавияти, маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкур ҳуқуқий қомусни ўқиган ҳар бир инсон, авваламбор, миллий қонунчилигимизнинг мазмун ва моҳиятини тўла англашга муяссар бўлади. Айни вақтда у юридик фани томонидан яратилган ҳуқуқий институтлар ва таълимотларни ўзлаштиришга ҳам ёрдам беради.

Янги юридик энциклопедия бошқа ҳуқуқий қомус ва манбалардан ўзининг бир қатор такрорланмас томонлари билан ажралиб туради.

Аввало таъкидлаш лозимки, мазкур қомус мустақилликдан кейин Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос менталитети ва қонунлари асосида илк бор давлат тилида яратилган асардир. Унда жаҳон юриспруденцияси ютуқлари билан ўзбек ҳуқуқшунослиги ва қонунчилиги эришган салоҳият уйғунлаштириб берилган. Ушбу китоб Олий Мажлиснинг кейинги сессияларида қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида биринчи маротаба чоп этилмоқда. Китобхон бу манбадан ҳуқуқ тизимининг барча соҳаларига оид янги ва қизиқарли маълумотларни олади. Мазкур кенг қамровли асар нафақат ҳуқуқшунослар учун, балки кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган дастурламалдир.

Қомуснинг таҳсинга лойиқ яна бир томони ҳуқуқ тизимига оид барча терминларни содда, тушунарли ва оддий тил билан тушунтириб беришга ҳаракат қилинганидир.

Бундан ташқари унда замонавий ибора ва тушунчалар кенг шарҳланиб, уларнинг ҳуқуқий моҳияти ва мазмуни мантиқан очиб берилган.

"Юридик энциклопедия" Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда: "Биз жамиятимиздаги демократик жараёнлар йўли — келажак тараққиётимиз ҳақида эслатиб фикр юритар эканмиз, бу борада бизда кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ғояси, бу ғоянинг маъно-мазмуни исботлаб, асослаб берилгани ҳақида эслатиб ўтмоқчиман.

Ҳозирги кунда мана шу йўлни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этиш, унинг янги-янги қирраларини очиб бериш барча олим ва амалиётчиларимиз олдида турган долзарб вазифадир, деб биламан", дея белгилаб берган вазифаларни бажаришда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Мазкур қомус шу нуқтаи назардан демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари учун ҳам беназир қўлланмадир. У демократик ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳам йўл-йўриқ берадиган манбадир, десак муболаға бўлмайди.

Эътиборли томони шундаки, китоб етук ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда ўқув қўлланмаси ва услубий материал сифатида хизмат қилади. Китоб жамият ва давлат манфаатининг ҳуқуқий томонларини ўзида ифода этадиган, илк бор ўзбек тилида ёзилган, ҳозирги ҳаётимиз талаблари ва хусусиятларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам бебаҳодир.

Таъкидлаш ўринлики, китобхон, ўқувчи ўз китоб жавонини тўлдириб турган ушбу ҳуқуқий қомусдан баҳраманд бўлар экан, ўзига етарлича маънавий озуқа олади.

Шухрат ЖАЛИЛОВ,
юридик фанлари доктори, профессор

Дарвоқе, буни икки жараён — унинг отаси Жалолуддин Исҳоқнинг самарқандлик бўлганлиги ва бевосита унинг ўзи Самарқандда бир қанча вақт яшаганлиги билан изоҳлайдилар.

Ёмонлик ҳам одамнинг аввал ўзини, қалбини, қиёфасини заҳарлайди, мен шунинг учун ҳам ҳеч кимга ёмонлик истамайман, — деган экан чеҳраси кундай одам...

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ КИМ?

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султони, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ўзининг "Мажолисун нафоис" номли тазкирасида: "Мавлоно Абдураззоқ... хуш муҳовара (хуш суҳбат) киши эрди... фазлиёти ҳам яхши эрди; хусусан тарих илмиким анда муаннифоти бор... Ҳар киши бу фанда анинг маҳоратин билай деса ўз тарихидин била олур..." — деб бежиз айтмаган эди. Абдураззоқ Самарқандий нафақат Алишер Навоийнинг диққатини жалб этган, балки у яшаган давр илм аҳлини, қолаверса, бугунги кун олиму фозилларини, тарих илмига қизиқувчиларни ҳам мафтун этади.

Манбалардан тарихчи тўғрисида қуйидаги маълумотларни аниқлаш мумкин. Унинг тўлиқ исми Камолуддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий бўлиб, ҳижрий 816 йил 12 шаъбон (милодий 1413 йил 7 ноябрь)да Ҳирот шаҳрида таваллуд топган ва ҳижрий 887 (милодий 1482) йилда 69 ёшида шу шаҳарда вафот этган.

Олим Ҳиротда туғилган бўлса ҳам, "Самарқандий" деган нисбат билан шуҳрат топди. Дарвоқе, буни икки жараён — унинг отаси Жалолуддин Исҳоқнинг самарқандлик бўлганлиги ва бевосита унинг ўзи Самарқандда бир қанча вақт яшаганлиги билан изоҳлайдилар. Абдураззоқ Самарқандий ёзиб қолдирган асарларидан маълум бўлишича, у тафсир, фиқҳ, ҳадис, араб тили, тарих ҳамда адабиёт илмини пухта эгаллаган, бу фанлардан етарли маълумотга эга бўлган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи ва XV аср тарихчиси Мирхонд берган маълумотлар Жалолуддин Исҳоқнинг Шоҳруҳ хизматида — унинг ўрдуси (лашкари)да имомлик ва қозилик мансабини ўтаганлигини тўла исботлайди. Бинобарин, отасининг мавқеига мувофиқ, Абдураззоқнинг акалари Жамолуддин Абдулғаффор, ўртанча акаси Шарифуддин Абдулқаҳҳор, кенжа акаси Афифуддин Абдулваҳҳоб ўз замонасининг илм аҳлари орасида таниқли кишилардан, етарли илм соҳиблардан бўлган. Абдураззоқ Самарқандий машҳур сайёҳ, элчи ва тарихнавис олим сифатида ном қозонган. У 1438 йили қози Азудуддиннинг араб тили грамматикасига оид "Рисолайи Азидийя" асарига шарҳ ёзиб, уни Шоҳруҳга тақдим этади. Ҳукмдор ёш олимдаги истеъдодни кўриб, уни сарой хизматига (мулозимликка) тайинлайди. Абдураззоқ Самарқандий 1438 йилдан то 1463 йилга қадар дастлаб Шоҳруҳ (1409-1447), Абулқосим Бобур (1451-1457), сўнгра Султон Абусаид (1457-1469) саройида хизмат қилган.

XV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё билан Рум (Кичик Осиё), Миср, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар ўртасида элчилик, савдо-сотиқ ва маданий муносабатлар мавжуд эди.

Ajdodlarimiz

Абдураззоқ Самарқандий кўпроқ бошқа давлатлар билан олиб бориладиган ёзишмалар ишида ва элчи сифатида фаолият кўрсатган. Жумладан, 1442-1444 йиллар мобайнида Ҳиндистонда элчи бўлиб қайтади. Бу ҳақда у "Ҳиндистон сафарномаси"да ёзиб қолдиради. 1442 йили Шоҳруҳ Жанубий Ҳиндистонга элчиликка бош қилиб, Абдураззоқ Самарқандийни тайинлайди. Элчилар 1442 йил 13 январида Ҳиротдан йўлга чиқиб, Эрон ерлари орқали Ҳурмуз бандаргоҳига қараб юради. 1442 йил 4 ноябрда Коликут шаҳрига етиб келади ва бу шаҳарда беш ой (1443 йилнинг 2 апрелигача) туради.

Сўнгра 1443 йил апрелида Вижаянагара номли давлатда бўлиб, 1444 йилнинг 27 декабрида Ҳиротга қайтиб келади. Бу элчилик Темурийлар давлатининг Жанубий Ҳиндистон билан муносабатларини мустаҳкамлаш ва юксалтиришда муҳим ўрин тутган.

Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳнинг топшириғи билан 1447 йил Гиланга боради ва унинг ҳокими Амир Муҳаммад билан музокаралар олиб боради, 1447 йилда унинг Мисрга тайинланган элчилиги амалга ошмай қолади, чунки, Шоҳруҳ вафот этган эди (1447 йил 12 март).

Абдураззоқ Самарқандий Абулқосим Бобурнинг 1453 йили Мозандаронга ва 1454 йили Самарқандга қилган ҳарбий юришларида қатнашди.

У 1463 йили давлат ишларидан воз кечади, лекин Султон Абусаид уни Ҳиротдаги Шоҳруҳия хонақосига шайхлик лавозимига тайин этади. Абдураззоқ Самарқандийга тарихнависликда шуҳрат келтирган асари 1467-1469 йилларда ёзилган "Матлаъус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи") номли асаридир. Китоб форсий тилда ёзилган бўлиб, икки жилд (қисм)дан иборат: Биринчи қисмда Элхон Абу Саид (1317-1335 йил) давридан то Амир Темурнинг вафоти ва Халил Султоннинг Самарқанд тахтига ўтиришигача бўлган давр (1304-1405 йил) тарихи, иккинчи қисмда эса Шоҳруҳнинг темурийлар давлатининг олий ҳукмдори деб эълон қилинишидан (1405 йил) тортиб Султон Абу Саиднинг ўлдирилишигача (1469 йил) бўлган давр тарихи ёритилади. Асарнинг 1427 йилгача бўлган даврини ўз ичига олган қисми тарихчи Ҳофизи Абрунинг "Мажмуа ат-таворих" асари асосида ёзилгандир. "Матлаъ ус-саъдайн"нинг 1427-1469 йиллар воқеаларини ўз ичига олган қисми оригинал саналиб, бу давр ичидаги Эрон ва Ўрта Осиёнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Асарнинг мукаммаллиги шундаки, тарихий воқеалар хронологик тартибда келтирилган. Асар ўзида мужассам этган тарихий маълумотларнинг нодирлиги ва ишончлилиги билан XV-XVI асрларда ёзилган бошқа тарихий асарларга бош манба бўлиб хизмат қилган.

Олимнинг меросини кўплаб мамлакатлар шарқшунослари ўрганишган, таржима ва тадқиқ этганлар. Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн" асари рус ва хорижий мамлакатлар олимлари томонидан биринчи даражали манба сифатида эътироф этилиб, юксак баҳоланган. Асарнинг бир қисмини А.Галлан француз тилига таржима қилди, 1705 йили Н.Витсен уни голланд тилида нашр эттирди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Хитой сафари маълумотлари В.Чамбарс томонидан инглиз тилига, Лангм тарафидан эса яна француз тилига таржима қилинди. XIX асрда француз шарқшуноси М.Е. Картмернинг таржималари диққатга молиқдир. Инглиз шарқшуноси Эллиот ўзининг Ҳиндистон тарихига бағишланган асарида "Ҳиндистон сафарномаси"ни инглиз тилида нашрдан чиқарди. "Матлаъ ус-саъдайн"нинг форсча матнини нашр қилишда энг йирик хизматни покистонлик олим Муҳаммад Шафе бажарди. У асарни 1941-1948 йилларда Лоҳурда чоп эттирди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёт йўли ва фаолияти, унинг "Матлаъ ус-саъдайн" асари таржималари бўйича изланишлар қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ўзбек шарқшунос олими Асомиддин Ўринбоевнинг хизматлари беқиёсдир. Асарнинг Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга қилган сафари баён этилган қисми ҳамда иккинчи жилднинг 1405-1429 йиллар воқеаларини ўз ичига олган биринчи жузъи олим томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1960 ва 1969 йилларда нашрдан чиқди.

Сўз интиҳосида шуни таъкидлаш жоизки, Абдураззоқ Самарқандийнинг асарларини етарли даражада чуқур ўрганишимиз, ундан хулосалар чиқаришимиз; ул зотдек машҳур тарихнависимиз ўтганлигидан, асарларидан сабоқ олаётганимиздан ғурурланмоғимиз, баҳраманд бўлмоғимиз мақсадга мувофиқдир.

Диёр АЗИМОВ,
Низомий номидаги ТДПУ тарих факультети талабаси



ABDIBERUN XONAQOHI — Samarqand qal'a devorining jan. (berun — tashqari)da joylashgan me'moriy majmua. Ko'hna qabr yoniga toqu ravoqli xonaqoh — masjid (XV asr), o'rtasiga jamoatxona, atrof burchaklarga hujra va zinalar qurilgan. Qo'sh qavat sirkor gumbaz, poygumbaz va devorlar sirkor G'ishtlar va koshinkor naqshlar bilan bezatilgan. Jamoatxonaning uch tomonidan eshik ochilgan. Mehrob esa oddiy, xonaqoh xushbichim sodda va fayzli ziyoratgoh, uning shim. yonboshida avliyo mozori bor. Katta hovli sahnida sufa, hovuz va darvozaxona ko'zga tashlanadi.

GO'ZAL YURTNING O'ZIGA XOS, O'ZIGA MOS QIYOFASI

ABDIDARUN MAJMUASI — Samarqand qal'a devorining sharqiy tomoni (darun — ichkari)da joylashgan qadimgi ziyoratgoh. (Suratda.)

IX asrda yashagan alloma Abd Ma'ziddin qabri atrofida turli binolar paydo bo'lib me'moriy ziyoratgohga aylandi.

Markazida eng yirik bino — xonaqoh (XV asr) ko'zga tashlanadi. Uning peshtoqi, gumbazi va devor bezaklari Ulug'bek davri me'morligi mahsuli ekanligidan darak beradi. Ziyoratxona — jamoatxona masjid vazifasini o'tagan. Xonaqohning ichida avliyoning maqbarasi bor. Ta'mirlash natijasida maqbara binosining dastlabki qiyofasi o'zgarib ketgan. Hovli o'rtasidagi sarhovuz chashmabuloq ustida bo'lgani uchun ham uning suvi qishin-yozin bir xilda saqlangan, aholi orasida shifobaxsh hisoblangan. Hovli atrofidagi hujralar va g'arb tomondagi jome masjid XIX asrga oid. Masjid bezaklari orasida ustalar nomi saqlangan.

ABDOL SULTON — asl ismi Abdumalik sulton (? — 1580) — shayboniy sultonlardan, Ko'chkunchixon nevarasi, Abdullatifxonning o'g'li, Iskandarxon hukmronligi davri (1561-83)da Zomin hokimi bo'lgan. Taxt uchun kurashlarda mag'lub bo'lib Ko'histon, so'ng Hisori Shodmonga qochib ketgan; O'sha yerda O'zbek sulton tomonidan o'ldirilgan. Samarqanddagi Ko'chkunchixon madrasasiga dafn etilgan. A.S. «Xush» taxallusi bilan she'rlar ham yozgan.

ABDOLBOBO MAQBARASI — Xivadagi me'moriy yodgorlik (18-19-asrlar). Ichan qal'aning sharqiy darvozasi tashqarisida joylashgan. Atrofida minora, masjid, hovuzdan iborat majmua barpo qilingan. Maqbara murabba tarhli bir xona (tashqi 5,7x5,4 m, ichki tomoni 3,4x3,4 m) dan iborat, gumbaz tomli. Gumbaz osti bag'allari ikki qator muqarnaslar bilan bezatilgan. Peshtoqi maqbara bilan tutashib ketgan. Uning tepasiga ikki qatorli g'ishtin sharafalar ishlangan. Masjid (17,2x8 m) chortoq tarhli, ikki ustunli, o'ng va ters ayvonli, shifti to'sinli, minora (ost diametri 3,45 m, bal. 10 m)ning tepasi mezanali, tanasi yashil koshin belbog'lar bilan bezatilgan. Chorsi hovuzning (14,6x13 m) cheti pog'onali.

ФОЛЬКЛОР— ҚАЙНАР БУЛОҚ

Болани ниҳоллик давриданоқ одамийлик, эзгулик, инсонийлик, ватанпарварлик, эътиқодлилик, инсонни қадрлаш, яхшини ёмондан фарқлай олишга ўргатиш ҳар бир инсоннинг, қолаверса, «Одобнома» фани ўқитувчисининг бурчидир. Қадим замонлардан бошлаб ота-боболаримиз, аждодларимиз томонидан ижод қилинган достонлар, эртаклар, топишмоқлар, мақоллар, масаллар, афсона, ривоят, латифалар, бир сўз билан айтганда, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тарбия борасида фойдаланиб келишган.

Sinab ko'ring

Киши дунёга мукаммал инсон бўлиб келмайди. У ён-атрофдаги кишилар орасида, турли-туман воқеа-ҳодисалар қуршовида улар билан мулоқотда усади, камол топади. Яхшини қуриб ибрат оладди, ёмондан нафратланади. Минг йиллар давомида ҳаёт синовларидан ўтган ва бизгача етиб келган фольклор намуналаридан сермазмун, қизиқарли дарс ўтишда ўқитувчи таянадиган манбалар етарлидир.

3-синфда «Адолатпарварлик — виждон амри» мавзусида дарс ўтиш жараёнида ўзбек халқ эртакларидан «Шум тулки»ни сўзлаб бердим. Уйга вазифа қилиб болаларга «Эртаклар — эзгуликка етаклар» мавзусида расм чизиб келишларини топширдим. Натижада 40 хил манзарадаги ижод намуналарини йиғиб олдим.

Бундан ташқари, «Ўзбек халқ мақоллари» ўйинини ташкил этдим. Синфдаги ўқувчилар қатор бўйича уч гуруҳга бўлинди.

1-гуруҳ ўқувчилари ушбу мақолни айтишди: «O'g'ri bilan yo'ldosh bo'lma».

2-гуруҳ аъзолари эса «А» ҳарфи билан бошланувчи мақол топишлари шарт: «Adashgan aqldan ozar».

Мақол «R» ҳарфи билан тугади, шунда 3-гуруҳдагилар «R» ҳарфи билан бошланувчи мақол айтадилар: «Rejasiz ish, qolipsiz g'isht».

Шу тариқа гуруҳлар қайси ҳарф билан мақол тугаса, ўша билан бошланувчи мақол айтиб берадилар. Қайси қатор ўқувчилари тутилиб ёки мақол топа олмай қолса, улар ютқазган ҳисобланади. Ўйинда охиригача иштирок этган қатор эса ғолиб деб топилади. Мақоллар ўйини орқали ўқувчи онгида ўзбек халқининг бой меросига бўлган муҳаббати шаклланади.

Бундай дарсларни топишмоқлар мисолида ҳам ташкил қилиш мумкин.

Сайёра МИРҲАМИДОВА,
С.Раҳимов туманидаги 29-мактабнинг «Одобнома» фани ўқитувчиси

ШЕЪР САНЪАТЛАРИ

3-дарс

Қаршилантириш санъатлари

Байтда ўзаро зид маъноли сўзларни иккита, тўртта, олтита, саккизта ва ундан ортиқ қўллаш намуналари учрайди. Бу ҳол шоирларнинг сўз қўллашдаги маҳоратларини кўрсатади. «Саноеъ илми»да қаршилантириш санъатларининг уч хили маълум. Бу соҳадаги янги чиққан рисолаларда булар бир-биридан фарқ этилмагани учун, биз уларнинг фарқланиш усулларини кўрсатиб ўтамиз. Қаршилантириш усулининг биринчиси — тазод.

Тазод — зид деган маънони билдиради. Шоир байтда икки ўзаро қарама-қарши маъноли сўзни ишлатса тазод санъатини қўллаган бўлади. Ҳамид Олимжон «Ойгул ва Бахтиёр» эртак-достонида золим Жамбил хонининг юртни вайрон этганига ишора қилиб, «бўстон» ва «гўристон» тазод сўзларини ишлатган:

Жамбил эди бир **бўстон,**
Қилдинг уни **гўристон.**

7-синф ўқувчилари Увайсийнинг «шоҳ» ва «гадо» сўзлари зид маънода келган қуйидаги байтини ҳам ўрганадилар:

Бу кун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам не айб, ул **шоҳи** давронимни соғиндим.

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонида «кичикроқ» ва «бийикроқ» сўзлари қарама-қарши келган байт бор:

Ёш била доғи **кичикроқ боридин,**
Бахт ила бори бийикроқ боридин.

Тазодли байтда икки ўзаро қарама-қарши маъноли сўз қатнашишини ёдда тутайлик.

Қаршилантириш усулининг иккинчи хили — мухтамил аз-зиддайн.

Мухтамил аз-зиддайн — икки ҳар хил қарама-қаршилик ёки икки ҳар хил зидлик маъносидаги атамадир. Байтда мухтамил зиддайн кузатилса, демак, иккитадан тўртта ўзаро қарама-қарши маъноли сўз қатнашган бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан:

Меҳру вафони, эй ёр, кўп кўрди сендин ағёр,
Жавру жафони бисёр қилдинг манга ҳавола.

Матндаги **меҳр-жавр, вафо-жафо** сўзлари — икки ҳар хил зидлик намунасидир.

Қаршилантиришнинг энг мураккаб кам учрайдиган хили муқобаладир.

Муқобала санъатини қўллаган шоир байтда камида учтадан олтита, баъзан ундан ҳам кўпроқ ўзаро қарама-қарши маъноли сўзлардан фойдаланади.

Рожийнинг қуйидаги байтидан муқобала санъатини кузатиш мароқлидир. Чунки шоир тўрттадан саккизта зид маъноли сўзларни бир байтда келтира олганки, бу усул байт таъсирчанлигининг асосий омили бўлган:

Кўп жавр ила жонимни **хароб** айлабон этдинг **ҳажрингга** гирифтор,
Оз лутф ила ҳам айла **бузуғ** хотирим **обод** бир дам келиб **ўтру**.

Байтдаги муқобала кўрсаткичлари бўлган зид маъноли сўзларни тизиб чиқайлик:

биринчидан, **кўп ва оз;**
иккинчидан, **жавр ва лутф;**
учинчидан, **хароб, бузуқ ва обод;**
тўртинчидан, **ҳажр (айрилиқ) ва ўтру** (юзма-юз бўлиш, висол).

Байтда қарама-қарши маъноли тушунчаларнинг бундай қалашиб келиши китобхоннинг лирик қаҳрамон ички дунёсига чуқурроқ кириб боришини таъминлайди, таассуротини бойитади.

Мазкур санъатлар сўзлардаги маъно тафовути — зидлигига асосланганлиги боис маънавий санъатлар ҳисобланадилар. Аслида, поэтикада китобхонни чалғитмаслик учун мазкур уч санъат моҳияти деярли бир хил бўлгани учун атама кўплигига учмай, мазкур санъатларни умумий битта ном — тазод атамаси билан чеклаш мақсадга мувофиқдир.

Машқ учун тест топшириқлари:

1. Қуйидаги байтда қандай санъат ишлатилган?

Васл нўшининг давоси хос ўлуб эл жониға,
Ҳажр нишининг яроси жони афгоримға хос.
(Огаҳий)

А. Муқобала. В.Тарди акс. С.Ийҳом. Д.Китобат. Е. Тазод.

2. Абдулла Ориповнинг «Онажоним шеърият» номли шеъридан олинган қуйидаги байтда қўлланилган бадиий санъатни тўғри белгиланг:

Юлдуз бўлдинг чароғон
Энг қоронғи тунларда.

А.Талмиҳ. В.Тазод. С.Мухтамил аз зиддайн. Д.Тажоҳули орифона. Е. Иштиқоқ.

3. Алишер Навоийнинг «Лисон уттайр» достонидан келтирилган қуйидаги байтда қўлланилган санъат қайси?

Чун ҳунарвар узра чиқди беҳунар,
Тоздин қолди қуйироқ тожвар.

А.Муқобала. В.Ружуъ. С.Ташбиҳ. Д.Мухтамил аз зиддайн. Е. Саволу жавоб.

4. Абдулла Ориповнинг қуйидаги байтида қаршилантириш усулининг қайси санъати қўлланилган?

Суҳбат қурдик гоҳ шодон,
Гоҳо ҳазин унларда.

А.Муқобала. В. Тазод. С. Мухтамил аз зиддайн. Д. Тажнис. Е. Ийҳом.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Tarbiyaviy soatlarda

ЯХШИЛИК ҚИЛУ ДАРЁГА ТАШЛА, БАЛИҚ БИЛУР, БАЛИҚ БИЛМАСА, ХОЛИҚ...

Баъзи одамларни кўрибоқ баҳри-дилингиз очилади. Ҳали мулоқотга киришмай туриб меҳрингиз тушади. Халқимиз бундай кишиларни "Юзидан нур ёғилади", "Изида баҳор кезади" дея таърифлайди. Суҳбатлашгач биласизки, бундай инсонларнинг кўнгли эзгу, гўзал туйғулар ватани экан, юзидаги баҳорлар кўркли кўнгилнинг суврати. Эътиборингизга ҳавола қилаётган битигимиз ана шундай кўркли кўнгил эгалари ҳақида. Биз йиллар синовидан ўтган ривоятлар, ҳикоялар, ҳаётий кечинмаларнинг қандай бўлса, шундайлигича чоп этаяпмиз, мушоҳада, мунозараларни очиқ қолдираяпмиз. Ўйлаймизки, улар ўқитувчиларимизнинг тарбиявий соатларида ҳам асқотади.

РИВОЯТ

Ривоят қилишларича, бир оила соҳиби суйгунчак бўлган чақалоғи билан жуфти ҳалолини ўткинчи ҳавасга алмаштирибди, ўз азизларини йиғлатиб, ўзгани азиз билиб, уйидан чиқиб кетибди. Хиёнатга дуч келган аёл қасоси ёмон бўлади, дейдилар. Қасос аёлдаги оналик меҳрининг кўзларига тупроқ сочибди: меҳр сўқир бўлибди. Чақалоғини тирноққа зор бир қушнисига ташлаб, эрига қасдма-қасд унинг йўлини тутибди: шу қишлоқда бир ҳордиқ учун тинган карвоннинг бошчисига илашиб, у-да йўлга равона бўлибди. Орадан анча муддат кечибди. Аёл гарчи меҳр-муҳаббат, бойлик қуршовида тўкин ҳаёт ўтказса-да, дили қоронғу экан. Тушларида гўдаги йиғлаб чорларкан. Фарзанд соғинчи вужудини куйдирган аёл тобора сўлибди: охири тақдирга тан бериб, юртига қайтибди. Аммо қушнисига рўпара бўлгани юраги дов бермай, қишлоқ оқсоқоли олдига бориб, тавба-тазарру қилибди, дилбандини қайтариб олишга кўмак беришини ўтинибди. Оқсоқол ўз жазоси ўзида бўлган бу адашган бандага қаттиқ сўзлар айтгиси келса-да, жаҳлини босиб, унинг қушнисини ҳузурига чорлабди:

— Синглим, — дебди оқсоқол кўришиш-сўрашишлардан сўнг, — мен сизларнинг илк аҳду паймонларингда йўқ эдим, энди аралашувим бироз ножоиз...

— Ҳеч қандай шартлашув бўлмаган, бу киши "Олинг, шу болани, мени бир гуноҳдан халос қилинг", деган, олганман, — дебди қушни аёл. Буниси бош қимирлатиб тасдиқлагач:

— Бирингиз боққан онаси, бирингиз — туққан. Қозилик Оллоҳга хос. Мен холис элчи, — дебди оқсоқол. Қўшни аёл анча муддат жим қолибди: қароқларида ёш халқаланибди, товуши титрабди.

— Мен боламни ёлғиз Яратган сўраса ноилож беришим мумкин, аммо.. бошқага...

— Йўқ деманг, чўрингиз бўлай, эшигингизни сочларим билан супурай, дилпорамни қайтариб беринг... — ялинишга тушибди аёл. Қўшни узоқ сукут қилибди, аёл унинг оёқларига ётиб ёлборибди.

— Болам яхши-ёмонни ажратадиган бўлиб қолган, сизни қабул қиладими, йўқми, билмайман... Майли, бир уриниб кўринг, агар қони тортиб, Сизни қабул қилса, ... мен ораларингдан чиқаман, — дебди ниҳоят қўшни аёл.

— Яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман, мана буларни олинг... Аёл қўли, бармоқлари, бўйниларидаги қимматбаҳо зийнатларни шошапиша ечиб қўшнисининг этагига ташлабди.

— Сиз "боламни боқиб менга яхшилик қилдингиз", деб ўйлаб мени сийламоқчи бўлаяпсиз. Аслида мен гўдагимга оналик қилиб ўзимга яхшилик қилдим. Мен уни севиб, эркалаб дунёдаги барча муҳаббатдан баланд бир муҳаббат билан бойидим: она деган энг улуғ унвонга муяссар бўлдим. Фарзандимга ёмонлик бўлиб қайтмасин, деб бировни ранжитишдан қўрқдим. Касри боламга урмасин деб ҳаромдан нари юрдим. Шу гўдак бўлмаса шунча яхшиликни менга ким берарди? Оналигим азоблари болдай ширин, мен бу кунларнинг ҳар дақиқасини минг тиллога алмашмайман, — дебди қўшни аёл этагидаги зийнатларга қиё ҳам боқмай.

... Алқисса, бола ўз онасини қабул қилганми, йўқми, буниси муҳим эмас, муҳими эзгуликнинг офтоби ўзгалардан аввал ўз эгасининг қалбини иситар экан. "Яхшилик қилиб нима кўрдим?" — дегувчи бўлса, бу гапдан гумонланинг...

МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИКДАН...

Аксига олиб, йўлда автобуслари бузилиб қолди. Анча оворагарчиликдан сўнг эпақага келди, яна ишкал чиқмасин деб қолган йўлни секин-секин босишди. Хуллас, эр-хотин уйга кириб келишганда қоронғу тушган эди. Улар ҳали кийимларини алмаштириб улгурмай эшик жиринглади: очишса, қашқадарёлик меҳмонлар.

— Э, келинглар, келинглар...

— Бир ёққа отланаётганмидиларинг? Бевақт келдикми, дейман?

— Бевақт нимаси? Жуда вақтида келдиларинг, ҳозир дам олишдан келган эдик...

Эркак мезбон дарров меҳмонга қўшилиб ёнбош ташлади. Аёли эса чой-пой қўйиб, дастурхон ёзаркан, хаёлида минг андиша чарх урарди:

"Кетишда рўзғорни ялангочлаб кетганман, келгунимизча айниб кетади, деб. Нон-ку дўконда бордир, жиз-бизга қўшнима-қўшни юраманми? Бозор бир кўчлик йўл, меҳмонни ташлаб бозорга кетиш ҳам ноўрин. Айтмай-нетмай келаверишгани-чи, буларнинг". Шундай ўйладию ўйидан ўзи уялиб ризқи экан-да.

Аёл қўшнисидан тоғорани олар экан, димоғига гупиллаб зира ҳиди урилди...

БАЛКИ ЧИН, БАЛКИ...

Тақдир очиқ чеҳрали, оиласи тинч бир одам билан кўзлари ғилай, яккаю ёлғиз яшайдиган бир одамни рўпарама-рўпара қўшни қилибди. Улар ҳеч қачон чиқишолмас, тез-тез қозилашиб туришаркан. Қози ким кўпроқ гуноҳкор эканлигини ич-ичидан ҳис қилса ҳам, "ҳиссиётга берилиб адашмайин, ҳукмда туйғу эмас, далил ҳал қилувчи кучдир", деб ўйлабди. Ўзича бир йўл топиб, уларнинг икковини ҳам асл қиёфасини кўрсатмоқчи бўлибди. Бир тунда оппоқ либосга ўраниб, ҳасса таяниб, аввал Тангри ҳуснидан, бахтдан қисиб қўйган одамнинг уйига кирибди. Ширин уйқуда экан, ҳассаси билан туртиб уйғотибди:

— Эй банда, ғафлат уйқусидан уйғон, назарим шу муборак фурсатда сенга тушди. Бир тилак, бир истак айтарлик муддатинг бор, тила тилагингни, — дебди.

— Хизр бува, сизни менга Тангринг ўзи етказди. Доим кечаю кундуз бир тилагим бор, — дебди ҳовликиб қолган одам.

— Айт, иншооллоҳ, бажо бўлур...

— Менинг бир қўшним бор, шуни ўзимга ўхшатиб қўйсангиз бас: болачақаси ташлаб кетсин, эрта тонгдаёқ букри, ғилайга айлансин. Азобланганини бир кўрсам армоним йўқ...

Қози ҳайратдан ёқасини тутибди, бироқ сирни очмабди: ишни охирига етказиш учун унинг қўшнисинига кирибди ва олдинги айтганларини такрорлабди:

— Хизр буважон, ёнимда бир қўшним бор, шунинг юрагини ғуборлардан тозалаб, ўрнига эзгу ҳиссиётлар солсангиз... Токи у ҳам қувонч нима эканлигини билса. Бечора қўшним қийналиб кетди, — дебди. Шунда Қози ўзини тутолмай сирни очиб юборибди.

— У сизга ёмонлик истасаю сиз... — деб қизишибди, ҳатто қозилиги ҳам хаёлидан кўтарилиб.

— Мен ёмон тилак, ёмон ишлар билан яшай олмайман, ўзим қийналиб кетаман. Райҳон, жамбиллар уфуриб ётган манзилда ўтирсангиз қанақа бўласизу сассиқ алаф ичида ўтирсангиз ўзингизни қандай ҳис этасиз? Ё булоқ бўйида қанақа ҳавою, балчиқ ичида қандай? Ёмонлик ҳам одамнинг аввал ўзини, қалбини, қиёфасини заҳарлайди, мен шунинг учун ҳам ҳеч кимга ёмонлик истамайман, — деган экан чеҳраси кундай одам...

Кутлибека РАҲИМБОЕВА тайёрлади.

Турли манбаларга кўра, дунёда 300 мингдан ортиқ 15 ёшга етмаган аскар болалар мавжуд бўлиб, улар Африка, Лотин Америкаси, Осиё ва Европанинг 20 га яқин мамлакатларига тўғри келадилар.

Жаҳон аҳли 1966 йил январида имзоланган Тошкент декларациясини жуда яхши эслайди. Маълумки, бундан 36 йил аввал эришилган ушбу халқаро аҳднома Ҳиндистон-Покистон алоқаларининг яхшиланишига олиб келган эди.

"Келажагимиз учун, фарзандларимизнинг бахту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қилайлик. Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик!

Жисмоний соғлом ва руҳан бой фарзандларни тарбиялаш, ҳар томонлама ривожланган шахсларни шакллантириш ҳар бир инсоннинг ва бутун жамиятимизнинг муқаддас бурчидир, ҳаёт мазмунидир"

И.КАРИМОВ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ёхуд СЕМИНАРНИНГ МАҚСАДИ

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамият ўз фарзандларини давлат тараққиётига, гуллаб-яшнашига улушларини қўшадиган муносиб инсонлар бўлиб етишишлари учун қайғуради.

Афсуски, ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатларида болалар ҳали ҳам ўз ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар, яъни уларнинг соғ-саломат яшаб, тўлақонли ривожланишлари ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун шароитлар яратилмаган. Миллионлаб мактабга қабул қилинган ўқувчилар уни тўлиқ битира олмаяптилар, ҳатто болалар сони ўсиб бораётган давлатларда ногирон фарзандларнинг белгиланган даражада маълумот олишлари чекланган. Ёки бўлмаса, болалар юқумли касалликлари ва ўлими ҳам ортиб бормоқда. Ачинарлиси, жаҳоннинг баъзи қитъаларида мактаб ёшидаги болалар қуролли кучлар сафига чақирилмоқда, зўравонлик ҳамда қийноқларга дучор қилинмоқдалар. Турли манбаларга кўра, дунёда 300 мингдан ортиқ 15 ёшга етмаган аскар болалар мавжуд бўлиб, улар Африка, Лотин Америкаси, Осиё ва Европанинг 20 га яқин мамлакатларига тўғри келадилар. Урушларда қатнашаётган ана шу мурғак қалблар орасида ҳали 10 ёшга тўлмаганлари ҳам бор. Биргина сўнгги 10 йил ичидаги урушларда 1,5 млн. бола ҳалок бўлганлигини ачиниш билан айтиш мумкин. Асосий эҳтиёжлари ва ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган бундай болалар ҳеч қачон бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилмайдилар ҳамда одил, ғамхўр инсон бўлиб етишмайдилар. Ҳуқуқнинг бузилиши фақат шахснинг азоб-уқубатланишини юзага келтирибгина қолмай, балки уларнинг онгида салбий тушунча, сиёсий беқарорлик вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Шукрки, бизнинг мамлакатимизда бунинг акси ўлароқ, ёш авлодга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Жумладан, "Она ва бола" давлат дастури бўйича қатор амалий ишлар бажарилмоқда. "Умид", "Улуғбек" жамғармалари томонидан ёшларимизнинг хорижда таҳсил олиб келишлари, ёшларни рағбатлантириш мақсадида "Зулфия", "Ниҳол" мукофотларининг таъсис этилиши ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин исботидир.

Шунингдек, куни кеча республика Таълим марказида Халқ таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция" тренингининг ўтказилиши ҳам бунга мисол бўла олади. Мазкур бир ҳафталик семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан келган таълим ходимларига ЮНИСЕФнинг Қозоғистон ва Ўрта Осиё давлатлари бўйича тренерлари Иосиф Молдавану ҳамда Василий Ротарулар томонидан машғулотлар ўтказилди.

— Бундан мақсад, — дейди биз билан суҳбатда республика Таълим маркази Услубий-таҳлилий ахборот бўлими бошлиғи Тожимурод Турсунов, — мазкур конвенция ҳақида мураббийларимизга тўлиқ маълумот бериш, уни ўқув жараёнига олиб кириш, бу борада халқаро миқёсдаги илғор тажрибаларни ўрганишдан иборат. Зеро, 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган Конвенцияни республикамизда кенг тарғиб этиб, келажагимиз ворисларининг ҳуқуқий тушунчаларини янада ошириш бугунги кун талабидир.

Президентимиз 2001 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида сўзлаган "Адолат — қонун устиворлигида" маърузасида "... Биз ҳали ҳам болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига етарлича эътибор бермаяпмиз. Мактабдаги ўқув дастурида қонунларни, ҳуқуқий тизимимизнинг асосларини ўргатишга амалда эътибор берилмаяпти" деган эдилар.

Зеро, давлат ўз истиқболини фарзандлар камоли билан уйғун ҳолда кўраётган экан, бу ёшларнинг энг катта ютуқлари саналади. Юртимиз мустақиллиги эса фарзандларимизнинг жаҳон қонунларини яхши ўрганишига кенг йўл очиб берди.

Биз тренинг иштирокчиларининг фикрлари билан танишдик:

Фозилжон АСҚАРОВ (Учкўприк тумани "Зиё" иқтисодиёт лицейи ўқитувчиси): *Болалар кичиклигиданоқ ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, катталар олдидаги бурч ва масъулиятларини тўғри англаб, маънан ва жисмонан баркамол авлод бўлиб шаклланишлари лозим. Хусусан, "Она ва бола" давлат дастурининг 94-бандида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция"нинг ота-оналар орасида тарғибот ишларини олиб бориш масаласи қўйилган. Агарда биз фарзандларимизга болаликданоқ ҳуқуқий билим берсак, бу нарса ҳуқуқий-демократик давлат қуришимизда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур семинарда шахсан мен бола ҳуқуқлари бўйича кўп нарсаларни ўргандим.*

Абдусамад ХОЛМИРЗАЕВ (Пахтаобод тумани халқ таълими бўлими мудири): *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва республика Таълим марказининг ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказган ушбу семинари халқаро Конвенцияни ўрганишда муҳим ижобий қадам бўлди. Чунки, фарзандларимиз ҳуқуқлари ҳимоясини жойига қўймай туриб, жамият ривожланишига эришиб бўлмайди. Тренинг давомида шунга амин бўлдикки, дунё миқёсида ҳар йили 5 ёшгача бўлган 3 млн. боланинг бевақт кўз юмаётгани, 10 млн. мурғак қалбнинг олдини олиш мумкин бўлган касалликлар туфайли яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлишлари, 600 млн. болажоннинг қашшоқликка маҳкум этилаётгани, 100 млн.га яқини эса мактабларда ўқий олмаётганликлари барча тоифадаги жамият аъзоларини болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга кенг миқёсда чорласа керак. Болалар — жамиятнинг ишончли мевалари, борлиғи, умиди ҳисобланади. Биз уларни кўз қорачиғимиздек асрашимиз даркор.*

Анваржон ОТАЖОНОВ (Марғилон шаҳридаги "Истиқбол" гимназияси ўқитувчиси): Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "Бизнинг келажагимиз ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ёшларимиз қўлида". Бунинг учун эса болаларимиз ёшликданоқ фуқаролик масъулиятини ҳис этадиган, ўз давлати, қолаверса жаҳон миқёсида эзгу ишларни амалга ошираdиган комил шахс бўлиб етишишлари учун жамият, жаҳон ва давлат қонунларини яхши билишлари лозим. Мазкур ўтказилган бир ҳафталик семинарда биз бу борада янги-янги билимларни эгалладик ва ўз навбатида ўша билимларимизни фаолиятларимизда амалиётга жорий этамиз.

Бола жуда нозик ва айни ҳолда, ниҳол каби эгилувчан мавжудотдир, уни қаёққа қараб эгсангиз, ўша ёққа қараб ўсади, уни ўстириш ҳам, синдириш ҳам мумкин. Энг муҳими, унга яхши, меҳрибон боғбон зарур. Ушбу ўтказилган тренинг ҳам ўша ниҳолларни тўғри парваришлаш учун хизмат қилажак.

Камолиддин АЛИОХУНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

ФРАНЦУЗ ТИЛИГА ЎЗГАЧА ҲАВАС



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 51-гимназия мактабида бўлсангиз, бу ерда ўқитувчиларнинг француз тилига ўзгача ҳавас билан қарашларини сезасиз. Мактабдаги салкам 2000 нафар ўқувчига бу ерда 21 нафар олий маълумотли педагоглар дарс беришади. 40 йилдан бери шу мактабда ёшларга француз тилининг жозибасию сирларини ўргатиб келаётган Ўғилой опа Воҳидова даргоҳдаги барча француз тили фани муаллималарининг устози. Чунки опа билан ҳозирги кунда елкама-елка туриб меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг бари бу тил ҳақидаги илк сабоқни Ўғилой опадан олишган. "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳиби Ўғилой Воҳидова ўқувчиларга сабоқ бериб сира чарчамайди. Шу боисдан ҳам унинг шогирдлари ўтказилаётган республика ва шаҳар фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

Ўтган йили Шерзод Зуфаров республика, Нодира Мавлонова шаҳар фан олимпиадаларида фахрли 1-ўринни қўлга киритишди. 10-синф ўқувчиси, қатор кўрик-танловлар ғолиби Умида Тўхтахўжаева эса 2001 йилда ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 15 кунга Францияга бориб келди. Айни дамда мактабнинг 5 нафар собиқ ўқувчиси мазкур мамлакатнинг Тулуза шаҳридаги нуфузли олий ўқув юртида француз тилини қунт билан ўрганаяптилар.

Мактабни Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ўз оталиғига олган. Элчихона ходимлари тез-тез бу билим масканида бўлишади. Улар томонидан мактабга компьютер ва турли хил ўқув жиҳозлари олиб берилган. Ўқувчилар дарс машғулотларида тўғридан-тўғри Париждан олиб кўрсатиладиган кабелли телевидение имкониятларидан ҳам фойдаланишмоқда. Бу кўрсатилаётган амалий ёрдам ёшларнинг француз тилига бўлган қизиқишини оширмоқда.

Ана шундай замонавий ўқув қуроллари билан 15 та фан кабинети махсус жиҳозланган. Ўғилой Воҳидованинг ўзи ҳам Францияда бўлиб, малака ошириб қайтганлар. Эндиликда ҳар йили мактабнинг бир нафар ўқитувчиси бу қадим ўлкада бўлиб қайтишяпти. Эътиборлиси мактабда "Асрлар изидан" тўгараги фаолият кўрсатади. Мана бир неча йилдирки, тўгарак аъзолари "Бой ила хизматчи", "Отасининг қизи", "Келинлар қўзғолони" асарларидан парчаларни саҳнада намойиш этиб келмоқда. Бу асарларни французчага ўзбекчадан Ўғилой опанинг ўзи ўгирган. Опа шунингдек, "Французча-ўзбекча" луғат тузувчиларидан бири саналади. Опанинг ўнлаб шогирдлари ҳозирги кунда кўплаб олий ўқув юртларида дарс беришмоқда, Республикамизда ва чет элларда элчихоналарда ишлашмоқда.

— Қобилиятли шогирдларимдан хурсандман, - дейди Ўғилой опа биз билан суҳбатда. — Ҳозирги кунда мен билан бирга ишлаётган Раъно Акрамова, Гулмира Худойберганова, Мунира Сайдашева, Нилуфар Қосимова каби меҳнатсевар ва билимдон педагоглар ёшларга француз тилини қунт билан ўргатишда фидойилик кўрсатишяпти.

Ўткир САИДОВ

Суратларни Бахтиёр Акрамов олган

РЕЗЕРВИСТЛАР ТАЖРИБАСИ КЕРАК

Буюк Британия ҳукумати заҳирадаги ҳарбийларни мажбурий тартибда мунтазам армияга чақирмоқчи. Мудофаа вазири

Жефф Хуннинг айтишича, мамлакат қуролли кучлари уларнинг тажрибасига муҳтож. Резервистлардан "Ал-Қоида" ташкилоти раҳбари Усама бин Лоден ҳамда бошқа етакчиларни қўлга олишда фойдаланилади. Агарда парламент ушбу режани маъқулласа, резервистлар 1 йиллик хизмат ўтайдилар. Манбаларга кўра, улар "Ал-Қоида" ва "Толибон" асирларини сўроқ қилишда кўмаклашиш учун Афғонистонга ҳам юбориладилар.

ЭНГ ХАВФЛИ ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

АҚШ Федерал тергов бюроси 10 нафар энг хавфли жиноятчилар рўйхатига кирувчи Кристиан Майкл Лонгони Мексикада ҳибсга олди. Қўшма Штатларнинг Орегон штатида яшовчи 27 ёшли Кристиан ўз



хотини ва уч нафар фарзандини ўлдиришда гумон этилмоқда. Унинг икки нафар кичик ёшдаги болаларининг жасадлари ўтган йили 19 декабрь куни Валдпортда, рафиқаси ва 2 ёшли қизининг жасадлари эса 22 декабрда мазкур Орегон штатининг Ньюпорт ҳудудида топилган эди.

ФТБ вакилининг айтишича, "American Airlines" авиакомпанияси самолётида Мексика томон учган жиноятчи ёнидан бегона кредит карточкаси топилган.

ИСЁНЧИЛАР МУЗОКАРАГА КИРИШИШМОҚЧИ

Колумбия ҳукумати томонидан мамлакат жанубини тарк этиш борасида исёнчиларга қўйилган талаб муддати тугашига бир неча соат вақт қолганида ФАРК гуруҳи музокараларни тиклашга рози бўлди. Айни шу вақтда жанговар ҳолатга келтирилган Колумбия қуролли кучлари жанубий ҳудудларни давлат назоратига қайтариб олиш учун ҳарбий операцияларга киришмоқчи эди.

ФАРК гуруҳи вакили Раул Рейеснинг айтишича, мамлакат жанубини эгаллаб турган 16500 нафарга яқин исёнчилар музокаралар бошланишига халақит бермайди.

ТОҒЛАРИМИЗ ОРТИДА ОСИЁ ЖАНУБИ

Кейинги йилларда минтақавий барқарорлик орқали жаҳон осойишталигига эришиш ғояси илгари сурилмоқда. Демак, минтақалар тинч бўлмаса, дунё барқарорлигию осойишта ҳаёт ҳақида гапириш бефойда. Шу жиҳатдан қараганда, Исроил-Фаластин муносабатларининг кескинлашаётганлиги бутун Яқин Шарқ давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳарбий-сиёсий мувозанатига таъсир этаётганлигини эслаш ўринли. Мана ўн йилдирки, Болқон воқеалари фақат собиқ Югославия республикаларига таъсир этибгина қолмай, бу минтақадаги миллий-этник можаролар, ҳарбий тўқнашувлар "эски қитъа" саналмиш Европани ларзага келтирди. Болқон фожеаси НАТО, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва ҳатто БМТни ҳам қаттиқ ташвишга солиб келмоқда. Ёдингиздами, Хорватия ва Словениядаги кучли сиёсий тўфонлар, салкам беш йил давом этган Босния ва Герцеговина можароси, Албаниядаги ички сиёсий келишмовчиликлар ва чуқур иқтисодий-молиявий танглик, Сербиянинг жанубидаги Косово ўлкасида икки йилдан кўпроқ давом этган ҳарбий тўқнашувлар, кейин эса бунга уланиб кетган Македония муаммолари!?

Ёки АСЕАН (жануби-шарқий Осиё давлатларининг иқтисодий-минтақавий ташкилоти) мамлакатларида юзага келган иқтисодий-молиявий таназзулнинг бошқа давлатларга ҳам таъсир кўрсатганлигини ёдга олиш ўринли. Бунинг устига Филиппин жанубида бир гуруҳ экстремистларнинг бош кўтариши ҳам (Холо оролида) қўшни мамлакатларнинг осойишта ҳаётига раҳна солиб келмоқда. Бу айниқса, Филиппинга жуда яқин бўлган Индонезия ва Малайзия ҳаётида яққол сезила бошлади. Бугун Лотин Америкасида жойлашган Аргентинадаги ички муаммолар, хусусан, унинг иқтисодий танглиги ҳақида кўп фикр-мулоҳазалар айтилмоқда. Салкам ўн беш куннинг ўзида беш бор президент ўзгарганию Аргентинанинг ташқи қарзи 130 миллиард АҚШ долларидан ошганлиги албатта, жиддий сиёсий-иқтисодий танглик белгиси. Бироқ, ушбу воқеаларнинг энг хатарли томони мавжуд муаммонинг ўзга мамлакатларга таъсир кўрсатиш эҳтимоли борлигидир.

Яқин ўтмишимизда содир бўлган ва афсуски, шу кунларда ҳам давом этаётган минтақавий муаммолар ҳақида ўйлаганимизда табиийки, биз яшаб турган ҳудуд ёки яқин атрофимиздаги минтақа воқеалари кўз ўнгимизда гавдаланади. Афғонистон воқеалари бунинг ёрқин тимсолидир. Оддийроқ қилиб айтганда терроризм, экстремизм ва умуман ёвуз кучларга қарши кураш бутун дунёдаги эзгу ниятли инсонларни бирлаштирди. Демак, афғон халқининг дарди, унинг муаммолари наинки минтақамизнинг оғриқ нуқтаси, балки бутун жаҳон муаммосидир. Ён қўшнимиз — Афғонистон бир неча йил мобайнида халқаро террорчилар маконига айланиб қолган эди. Бузғунчи мафкура, ваҳшийлик ва вайронкорликни, инсонлар қалбига қўрқув, даҳшат, умидсизлик руҳини сингдиришни мақсад қилган каллакесар жиноятчилар 2001 йил 11 сентябрь кунини фақат АҚШ халқи учун эмас, балки бутун дунё халқлари учун "қора сешанба"га айлантирди. Сўнгги расмий хабарларда таъкидланишича, Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган ваҳшиёна хуружлар оқибатида салкам етти минг киши нобуд бўлган. Бу бегуноҳ инсонлар жаҳоннинг 85 мамлакати вакиллари эди.

Мана бу мисолни ёшларимиз, барча ўқувчиларимиз, умуман маърифатпарвар халқимиз доимо ёдда тутиши, эслаши ва керак бўлса бехабар кишиларга етказмоғи лозим. Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо маркази биносида ҳалок бўлганлар орасида икки ватандошимиз ҳам бор эди. 1975 йили туғилган, Нью-Йоркдаги Америка-испан институтида хусусий шаклда таҳсил олиш билан бир йўла мазкур бинодаги (Жаҳон савдо маркази) қаҳвахонада кассир бўлиб ишлаётган Гавҳарой Қамариддинова ва ушбу бинодаги фирмалардан бирида сифат масалалари бўйича менежерлик қилаётган Ирина Колпакова халқаро терроризм қурбони бўлишган.

Қўли қонга ботган террорчиларнинг на миллати, на дини, на Ватани бор. Улар бугун Яқин Шарқу Испания, Шимолий Ирландия, Колумбия, Жануби-шарқий Осиё ёки Шимолий Кавказ каби кенг жўғрофий маконда асосан бир хил ҳаракат қилмоқда — яъни, одам ўлдириш, ёндириш, портлатиш, инсонлар қалбига ғулғула солиш, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган умид ва ишончини сўндириш, халқлар, давлатлар, миллий-этник гуруҳлар ўртасига раҳна солиб, адоват қўзғаш ҳам уларнинг қабиҳ ниятидир.

Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатлари давом этаётган айни чоғда Жанубий Осиё минтақасида ҳам экстремистик ва қўпорувчилик хуружлари вазиятни издан чиқармоқда. Мана бу хабарга, аниқроғи унинг маъноси негизига бир нигоҳ ташлайлик-а! Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатидаги Катуа шаҳрида полиция хизматига тегишли "Жип" русумли автомобилининг портлатилиши оқибатида 4 нафар полиция ходими ҳалок бўлган. Ушбу террор хуружини "Hezb-ul Mujahedeen" ("Хезбул-Мужаҳиддин")нинг ислом айирмачилари амалга оширгани аниқланди. Шунингдек, Кашмирда ҳукумат хавфсизлик кучлари ва айирмачилар (сепаратизм тарафдорлари) ўртасида кечаётган тўқнашувлар сабабли камида 30 киши қурбон бўлиб, 50 нафари жароҳатланган. Сринагарда эса мактаблар, савдо дўконлари ёпиб қўйилиб, кўплаб кишилар ишга бормаяптилар. Буларнинг барчаси айирмачилар томонидан Кашмирда Ҳиндистон армиясининг ҳозир бўлишига қарши уюштирилмоқда.

Кашмирда содир этилган яна бир хунрезлик террорчилар бутунлай инсоний қиёфадан маҳрум бўлганлигини намойиш этади. Бу штатда террорчилар томонидан мактаб ўқитувчиси ўлдирилган ва ўқувчилар гаровга олиб кетилган. "Indian Express" ("Индиан Экспресс") газетасининг ёзишича, қуролланган экстремист гуруҳлар мактабни эгаллашган ва 59 ёшли ўқитувчи Гулзор Аҳмадни Ҳиндистон хавфсизлик хизмати билан бўлган алоқаси учун ўлдириб кетишган. Қуршовдан чиқаётиб эса жангарилар ўқувчиларни гаров сифатида олиб кетишган. Ўқувчилар сони ва бошқа қурбонлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Покистон жанубида эса террорчилар черковни ўққа тутганлиги хабар қилинган эди. Ушбу террорчилик хуружи оқибатида 16 киши ҳалок бўлган, яна кўплари жароҳатланган. Бундай ваҳшиёна ҳаракатлар биз фикр юритаётган Осиё жанубида деярли ҳар куни содир этилмоқда, десак муболаға эмас. Покистон раҳбари Парвез Мушарраф терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтиришга ва унинг илдизини бутунлай тугатишга ваъда берган. Бу баёнотни таниқли давлат ва жамоат арбоблари юқори баҳоламоқдалар. Жумладан, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Покистон президентининг сўзи билан иши бир бўлиб чиқишига умид билдирган. Маълумки, АҚШ ташқи ишлар маҳкамасининг раҳбари ўтган йилнинг декабрида Марказий Осиё давлатлари (шу жумладан Ўзбекистон) ҳамда Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон сафарида бўлган эди. Бугунги кунда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлар яна хатарли тус олаётганлиги сабабли (2001 йил 13 декабрда бир гуруҳ экстремистларнинг Ҳиндистон Парламентига ҳужумидан сўнг) Колин Пауэлл яна Жанубий Осиё давлатлари бўйлаб сафарга чиқди. Бу ташрифдан асосий мақсад аввало аксилтеррор ҳаракатларининг тўлиқ муваффақиятини таъминлаш бўлса, яна бир муҳим жиҳати ядро қуролига эга бўлган Ҳиндистон билан Покистонни муроса йўлига даъват қилишдир.

Ғарб давлатларининг (айниқса Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия) Осиё жануби муаммоларига биринчи даражали халқаро масала тарзида ёндошаётганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки, бунинг бош сабаби Ҳиндистон ва Покистон ядровий давлат эканлиги билан дунё сиёсий иқлимига таъсир ўтказаётганлиги орқали изоҳланса, иккинчидан, бу давлатлар ўзаро алоқаларидаги келишмовчиликлар халқаро ҳамжамиятни, етук мамлакатларни, умуман жаҳон аҳлини чалғитиши мумкин. Бу қайси маънода? Маълумки, бугунги кунда жамики инсоният ўз тараққиётига асосий ғов бўлган халқаро терроризмга қарши аёвсиз кураш бошлади. Ушбу кураш ҳали ниҳоясига етганича йўқ. Айни пайтда бу умумий кураш йўлини давлатлараро келишмовчилик сабабли (масалан, Ҳиндистон-Покистон кескинлиги оқибатида) ярим йўлда тўхтатиш ҳам яхши натижаларга олиб келмайди. У ҳолда дунё ҳамжамияти илоннинг бошини эмас, думини янчган бўлиб қолади. Жаҳондаги барча тинчлик кучлари зарпечакни (терроризм назарда тутилмоқда) учидан юлиш эмас, балки илдизи билан қўпориб ташланиши тарафдоридир.

Шу боисдан ҳам Осиё жанубидаги сиёсий воқеалар бевосита дунёдаги ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий вазиятга таъсир этмай қолмаслигини ҳисобга олган маъқул. Тўғри, салкам 55 йилдан бери давом этиб келаётган муаммони бирданига ҳал этиш анча мушкул. Аммо, муроса йўли, мулоқот йўли, тинч музокаралар йўли — бу Ҳиндистон-Покистон дўстлашувининг ишончли калитидир.

Жанубий Осиёдаги бу икки улкан давлат тарихи, улар қандай қилиб мустақилликка эришганлиги, ютуқларию дарду-ғами ҳақида бизнинг мамлакатимизда жуда яхши биладилар. Халқимиз аввал ҳам, бугун ҳам ва келажакда ҳам улуғ Ҳиндистон ва Покистон билан дўст-биродар бўлиб яшаган, яшайди. Буюк бобокалонларимиз Абу Райҳон Беруний ("Ҳиндистон" ва "Жўғрофия" асари), Амир Темур ("Тузуклар"), Заҳириддин Муҳаммад Бобур ("Бобурнома") бу ўлка тарихи, урф-одатлари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида ажойиб манбаларни қолдириб кетишган. Айнан шу тарихий манбаларни чуқур ўрганиш, уни таҳлил қила билиш, замонамиз билан таққослаш, бугунги кунга боғлай олиш ҳар бир кишининг, айниқса ўқувчи ёшларимизнинг юксак вазифасидир.

Танишиб чиқилган даврий матбуот маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, Ҳиндистон билан Покистон ўзаро келишмовчилигининг асосий сабаби Кашмир эканлиги ҳақида кўп бор таъкидланган. Аммо, бу масалага янада чуқурроқ ёндошиб, маълумот берсак, халқимиз учун ҳам, устозларимиз ва ўқувчи ёшлар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Жамму ва Кашмир Ҳиндистон субконтинентининг можароли ҳудудларидан биридир. Кашмир номи билан машҳур бўлган бу ҳудуд шимолда Афғонистон ва Хитой, шарқда ҳам Хитой, жанубда Ҳиндистоннинг Химачал Прадеш ва Панжоб штатлари, ғарбда эса Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилояти ва Панжоб вилояти билан чегарадош. Кашмирнинг ҳудуди 222,236 квадрат километрни ташкил этади. Бу ҳудуд Корея ярим оролининг умумий саҳнига тенг, Қирғизистон еридан бироз каттароғу Буюк Британия мамлакати еридан оз фарқ билан кичикроқдир. (Қирғизистон 199,9 минг кв.км, Буюк Британия 244,1 минг кв.км.)

Ҳиндистон Кашмир ҳудудининг асосий қисмини назорат қилади ва унга расман "Жамму ва Кашмир штати" номини берган бўлиб, унинг пойтахти Сринагар шаҳридир. Ҳиндистон назоратидаги ҳудуд 100,569 кв.км. бўлиб, ҳозир бу ернинг аҳолиси 10 млн. дан ошган. Покистон ушбу ҳудуднинг (умуман Кашмир минтақаси назарда тутилмоқда) шимолий ва шимоли-ғарбий қисмини назорат қилиб, бу жой "Озод Кашмир ва Шимолий Ҳудудлар" деб номланган. Покистон назоратидаги ҳудуднинг пойтахти Музаффаробод бўлиб, унинг майдони салкам 79 минг кв.км. ва бу ерда 5 млн. аҳоли истиқомат қилади. Хитой Кашмирнинг шимоли-шарқий қисмини назорат қилиб, унга тегишли ҳудуд 42,735 кв.км.ни ташкил қилади.

Кашмир ўта мафтункор, табиати жуда гўзал, бетакрор бўлиб, бу жой деярли тўлалигича тоғдан иборат. Жўғрофий ва топографик жиҳатдан Кашмир уч минтақага бўлинган:

— Марказда Желум дарёси водийси;

— Жанубда Жамму атрофидаги тоғлар;

— Шимолда Қорақурум тоғ тизмаси.

Кашмирдан Ҳинд ва Желум дарёлари оқиб ўтган. Кашмирда яшаётган аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги билан банд. Бу ерда шоли, маккажўхори, буғдой етиштирилади. Шойи ишлаб чиқариш ва гилам тўқиш Кашмир саноатида етакчи ўринни эгаллаган. Аҳолининг асосий қисми мусулмонлардан иборат. Индуизм ва сикхизмга эътиқод қилувчилар ҳудуднинг жанубида, яъни Жамму атрофида яшайди, буддага сиғинувчилар эса Кашмирнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган.

Кашмир муаммоси Ҳиндистон билан Покистон ўртасида уч бор (1947-1948, 1965, 1971) ҳарбий тўқнашувга олиб келганлиги кўпчиликка маълум. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ҳиндистон билан Хитой ўзаро муносабатларида ҳам Кашмирдаги чегара масаласида қарама-қаршиликлар бўлган ва ҳатто 1962 йили бу борада очиқ ҳарбий тўқнашув бўлиб ўтган эди. Лекин, мана қирқ йилдирки, Ҳиндистон ва Хитой ўзаро алоқаларда чегарани ҳурмат қилиш тамойилига (чегаралар дахлсизлиги) қатъий амал қилиб келмоқда.

Бу масалада 1993 ҳамда 1996 йилда икки давлат раҳбарлари чегара атрофидаги ҳарбий қисмлар сонини камайтириш, чегарани савдо-сотиқ алоқалари учун очиб бериш ва келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни фақат тинчлик йўли билан ҳал этиш ҳақида аҳдномага эришганлиги дўстона муносабатларга асос бўла олди. Демак, Ҳиндистон билан Покистон ўртасида ўзарро аҳиллик ва тотувликни йўлга қўйиш учун имконият ҳам, тажриба ҳам етарли. Жаҳон аҳли 1966 йил январида имзоланган Тошкент декларациясини жуда яхши эслайди. Маълумки, бундан 36 йил аввал эришилган ушбу халқаро аҳднома Ҳиндистон-Покистон алоқаларининг яхшиланишига олиб келган эди.

Бугун ҳам Узбекистон Республикаси ушбу икки давлат ўзаро алоқалари дўстона бўлиши тарафдоридир. Зеро, бу дўстлик алоқалари Осиё жанубидаги тинчлик ва осойишталикнинг асосий кафолатидир.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Филиппин қуролли кучларига қарашли "S-211" русумли реактив самолёти Маниладан 128 км. жанубда жойлашган Кабанатуан шаҳрининг аҳоли пунктига қулаб тушди. Маълумотларга кўра, "Philippine Clark" авиабазасидан парвоз қилган самолёт харобаси остидан 2 нафар эркак ва бир боланинг жасади ҳам топилди. Қулаш натижасида 3 та

уйда ёнғин келиб чиқди. 5 нафар жабрланганлар эса шифохонага ётқизилдилар. Шунингдек, 2 нафар экипаж аъзолари ҳам фожеа жойида ҳалок бўлган, дея хабар беради "Асошиэйтед Пресс" агентлиги.

ГРОЗНИЙДА ҚОТИЛЛИК

Грозниййдан 30 км. узоқликдаги Занан-Юрт қишлоғи яқинида Республика ички ишлар бошқармаси ходими, милиция майори Сайхан Паршоев ва унинг жиянининг жасади топилди. Бошқарма маълумотларига кўра, марҳумлар пистолетдан отиб ўлдирилган. Шунингдек, таналаридан пичоқ жароҳатлари ҳам топилган.

Чеченистон Ингушетия чегарасидаги "Кавказ-1" назорат ўтказиш пункти ёнида эса портлаш содир бўлган. Ва натижада бир хизматчи (ОМОН) ҳалок бўлди. Ҳозирда ҳар иккала жиноят бўйича текширувлар олиб борилмоқда.

Каспаров, Крамник, Ананд, Иванчук каби шахмат юлдузлари иштирок этмаётган ушбу халқаро мусобақа ФИДЕ таснифи бўйича 18-даражали турнир мақомини олди.

Беш тош ўйини кетма-кет икки соат дарс давомида ёзиш ва ўқиш билан шуғулланишдан сўнг кўзга дам бериш, унинг мушаклари учун соғломлаштириш гимнастикасидир.

БЕЛЛАШУВЛАР СПОРТНИНГ ҚАЙСИ ТУРИГА КИМНИ ТАЙЁРЛАШ КЕРАКЛИГИНИ КЎРСАТДИ

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг спорт турларига қизиқишини ошириш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларига оммавий сафарбар этиш мақсадида ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг III босқичи Самарқанд вилоятида яхши натижалар билан якунланди.

Бу мусобақаларда спортнинг 10 тури бўйича I ва II босқичда ғолибликни қўлга киритган туман ва шаҳар жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Мусобақаларни юқори савияда ўтказишда вилоят ҳокимлиги тадбирлар режасини ишлаб чиқиб барча ёш спортчиларни бепул ётоқ билан таъминлаш ва бошқа шарт-шароитларни яратиб берди.

Спортнинг енгил атлетика тури 3-5 январь кунлари Самарқанд шаҳридаги "Динамо" ўйингоҳида бўлиб ўтди. Ҳақиқий байрамона руҳда бошланган мусобақада Пастдарғом тумани ёш спортчилари I ўрин, Темирйўл тумани ўқувчилари II ўрин, Нарпай тумани вакиллари III ўринни эгалладилар.

Спортнинг футбол тури ўсмир-ёшларнинг азалдан севимли ўйинларидан бири саналади. Шу боис Каттақўрғон шаҳрининг "Дўстлик" ўйингоҳида 3-11 январь кунлари бўлиб ўтган футбол мусобақалари қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди. Ўйинлар натижасига кўра, Каттақўрғон тумани жамоаси I-ўрин, иштихонликлар иккинчи, пастдарғомликлар учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Самарқанд шаҳридаги 63-мактабнинг спорт залида ўтказилган баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги беллашувда биринчи ўринни Темирйўл, иккинчи ўринни Оқдарё, учинчи ўринни Пастдарғом тумани, қизлар ўртасидаги мусобақаларда эса оқдарёлик баскетболчилар биринчи, темирйўлликлар иккинчи, пахтачиликлар учинчи ўринни банд қилдилар.

Волейбол бўйича мусобақалар Каттақўрғон туманидаги Кадан қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 3-9 январь кунлари бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақаларда ўсмирлар ўртасида Каттақўрғон тумани спортчилари биринчи, Каттақўрғон шаҳри ўқувчилари иккинчи, ургутлик спортчилар учинчи ўринни эгалладилар. Қизлар ўртасидаги волейбол мусобақалари Пайариқ туманидаги 6-мактабда ўтказилди. Ана шу қизғин беллашувлардан сўнг биринчи ўрин Темирйўл тумани қизларига, II ўрин булунғурлик, III ўрин эса пайариқлик қизлар жамоасига насиб этди.

4-10 январь кунлари Самарқанд шаҳридаги Сартепа туризм ва маиший хизмат коллежида қўл тўпи бўйича кечган бахсларда омад Боғишамол тумани жамоасига кулиб боқди. Улар эпчиллиги билан тенгдошларидан устун эканлигини намойиш этиб, биринчи ўринни эгалладилар. Тойлоқ тумани ва Нарпай туманлари жамоалари II ва III ўринни қўлга киритдилар.

Қўл тўпи бўйича қизлар ўртасидаги беллашувларда Темирйўл тумани жамоаси биринчи, иштихонлик қизлар иккинчи, Нарпай тумани вакиллари учинчи ўринга муваффақ бўлдилар.

5-9 январь кунлари Самарқанд шаҳридаги 55-мактабда стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақаларда Боғишамол тумани ёш теннисчилари биринчиликни қўлга киритдилар. II ўрин пастдарғомлик теннисчиларга, III ўрин ургутликларга насиб этди.

Шоҳмот бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам боғишамоллик ўқувчилар биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўрин Сиёб туманига, III ўрин Ургут тумани ўқувчиларига насиб этди.

Самарқанд шаҳридаги теннис кортида 5-10 январь кунлари теннис бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақаларда оқдарёлик ёш теннисчилар энг кўп очко жамғариб, биринчиликни қўлга киритдилар, Пахтачи тумани теннисчилари II ўринни, булунғурликлар III ўринни забт этишди.

5-9 январь кунлари Ургут миллий ҳунармандчилик коллежида кураш бўйича қизғин беллашувлар бўлиб ўтди. Мусобақалар жараёнида ёшлар ўртасида спортнинг бу турига нисбатан ҳам қизиқиш катта эканлиги ўқувчиларнинг чиқишларида яққол кўзга ташланиб турди. Бунда ургутлик ёш полвонларнинг қўли баланд келди ва улар биринчи ўринни эгалладилар, Пастдарғом, Нуробод ва оқдарёлик полвонлар кейинги совринли ўринларга лойиқ деб топилди.

Тойлоқ туманидаги 2-сон Республика Олимпия ўринбосарлари касб-ҳунар коллежи спорт залида 3-6 январь кунлари белбоғли кураш бўйича бўлиб ўтган мусобақалар шу тур бўйича ғолибларни аниқлаб берди.

Белбоғли кураш бўйича Тойлоқ тумани, Каттақўрғон шаҳри, Самарқанд тумани ёш спортчилари совринли ўринларни эгалладилар.

Биз юқорида келтирган натижаларни кўздан кечириб, баъзи саволларимизга жавоб топиш учун "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг бош ҳаками, халқаро тоифадаги ҳакам Мамажон Аҳмедовга мурожаат қилдик.

— "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари натижалари кекса спортчи сифатида сизни қаноатлантирдими?

— Мен "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг жойларда ўтказилган II босқич беллашувларида ҳам қатнашиб, ёш мусобақа иштирокчиларининг интилишларини, тиришқоқликларини кузатган эдим. Республикамиз бўйича барча мактаб ўқувчиларининг бундай мусобақаларда иштирок этаётганлиги, машқ қилиши, ўз устида ишлаши спортчи сифатида мени хурсанд қилди. Мана бугун вилоятимизда ҳам III босқич мусобақалари якунланди. Спортнинг 10 тури бўйича мусобақаларга вилоятимизда кўзга кўринган спорт усталаридан ҳакамлар тайинлаганмиз. Масалан, шоҳмот бўйича Шаҳоб Ҳамроқулов, белбоғли кураш бўйича Шавкат Жўраев, миллий кураш бўйича Муртазо Ҳамроев, енгил атлетика бўйича Азиз Мамедовлар ҳакамлик қилдилар. Энг асосийси, беллашувларда биз келажакда спортнинг қайси тури бўйича кимни тайёрлашимиз керак эканлигини ҳам аниқлаб олдим.

— Вилоятимиздаги қайси туман спортчиларининг интилишлари мақтовга лойиқ ва аксинча...

Хуршид Ҳожиқулов, вилоят халқ таълими бошқармасининг мактаблар бўлими спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси:

— "Умид ниҳоллари"нинг III босқич финал ўйинларида Пастдарғом, Темирйўл, Ургут, Тойлоқ, Оқдарё, Нарпай, Булунғур тумани терма жамоаларининг қизғин тайёргарлик кўрганликлари мусобақаларда яққол сезилиб турди. Дарвоқе, эътиборда гап кўп. Бу туманларнинг мактаб раҳбарлари, халқ таълими бўлими раҳбарлари ўз жамоаларини етарлича руҳлантира олганлар. Аксинча, энг катта имконият ва қулайликларга эга бўлган Самарқанд шаҳридаги Сиёб тумани мусобақаларнинг волейбол, (ўсмирлар ўртасида) стол тенниси, теннис, белбоғли кураш, баскетбол (ўсмирлар ва қизлар) турлари бўйича иштирок этолмадилар.

Боғишамол тумани раҳбарияти эса мусобақаларнинг футбол, кураш, теннис турлари бўйича жамоалари иштирокини таъминлай олишмади. Ачинарлиси, шаҳардаги теннис корти ҳам шу туман ҳудудида жойлашган бўлиб, у ерда шуғулланаётган ўқувчиларнинг аксарияти Боғишамол тумани мактабларида таҳсил олишади.

Бундан ташқари иштихонликлар мусобақаларнинг уч турида, жомбойликлар икки турида қатнаша олмадилар.

Мазкур туман раҳбарлари март ойида 8-11-синфлар ўртасида бўлиб ўтадиган мусобақаларга қадар тегишли хулоса чиқарадилар деб умид қиламиз.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, беллашувларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Республика "Маърифатпарварлар" жамияти вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, СамДУ, вилоят соғлиқни сақлаш, маданият ишлари бошқармалари томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Н.ШЕРБОЕВА,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

ЎҚУВЧИ ДАРСДАН СЎНГ ЎЙНАБ ДАМ ОЛАДИ

Миллий спорт ўйинлари ўз жиҳати билан бола тарбиясида алоҳида ўрин тутади. Шу сабаб ҳам собиқ шўролар даврида унутилаёзган халқ ўйинлари ҳозирда асраб-авайланиб, асл ҳолига келтирилмоқда.

Халқимизнинг миллий спорт турлари ва ўйинлари беҳисоб. Уларни газета саҳифаларида эълон қилиб, муштарийлар фикрини, улар томонда мазкур ўйинлар қандай элементлардан иборат эканлигини билиб, сўнгра ўйинларни йўналишларга бўлган ўрганиш ҳам меросимизга ҳурмат бажо этиш саналади.

АРҒИМЧОҚ ЎЙИНИ (Якка ижрода)

1) 4-5 ёшли болалар якка ижрода рақам санашда қанча билсалар, арғамчида сакрашни ҳар бир катакда шунча сакраш билан бажарадилар. Бола дастлаб бир, икки рақамларини санай олади. Бу ҳолатда у ҳар катакда икки марта арғимчоқдан сакраб иккинчи катакка ўтади. Бу катакда ҳам икки марта сакраб юқорига ўтади. Агар бола 6 катакда икки мартадан сакраб 7-катакда хатога йўл қўйса, арқонни босиб олса ёки бошқа хатога йўл қўйса, ўйин 7-катакда тўхтайди. Бу хонада бола бир марта арқондан сакраб ўтди, кейингисида сакрай олмади. Демак, 2 мартадан 6 марта, 7-катакда бир сакраш билан жами 13 марта сакради. Бола бир қўлидаги бармоқлари сонидан битта ортиқ миқдордаги катаклардан сакраб ўтгач, саноқни билиб олиш нияти-истаги ошади.

Биринчи сакрашда у арқонни олдиндан орқага, оёқ остидан айлантириб ўйнади. Бундай ҳолда 13 марта сакради. Навбатдагиси — арқонни орқа томондан оёқ тагидан олдинга сакраш машқи бажарилади. Бу ҳам олдингидек қайд этилади.

Гуруҳ бўлиб

2) Ўйинни гуруҳ бўлиб ижро этиш хилма-хил ҳолатда амалга оширилади: кичик болалар (12 ёшгача) бирга бўлиши мумкин. Икки киши ижросида ёши 12 га етган қизлар бир-бирларига бетма-бет турган ҳолда ўйнайдилар. Булардан бири арқончани оёқларининг олди томонидан орқага айлантиради. Ҳар иккала шуғулланувчи бир кишидек уйғунлик билан сакраб арқонни тўхтовсиз айланишига ҳаракат қилади. Кимдир сакраб ўтишда хатога йўл қўйса, ўйин тўхтайди. Булар неча марта сакраб ўтган бўлсалар, бошқа мусобақадош тенгдошлари кўрсаткичларига таққослаб, қайси томон моҳирлиги қайд этилади.

Бошқа хили. Арғамчи орқадан олдинга қараб ҳаракатлантирилади. Ўйинда бошқа шартлар ўзгармайди. Ўғил болалар ва эркаклар ҳам шу шартлар асосида уни ижро этадилар.

Икки киши кетма-кет туриб ижро этади. Умумий қоидалар бир хил.

3) Тўрт-беш киши бўлиб бир арғамчидан сакраш ўйини. Бунда арқоннинг бир учи дарахт танасига ердан 30-40 см баландроқ қилиб боғланади. Арқоннинг иккинчи учидан мусобақада иштирок этмаган киши айлантиради. Ижросида ҳамма иштирокчилар бир хилда ҳаракат қилиб айланиб турган арқонни тўхтатиб қўймай сакраб туришлари керак. Гуруҳдаги бир ўйинчининг арқонни босиб қолиши, ўйиннинг тугашини билдиради. Қайси гуруҳ энг кўп хатосиз биргаликда сакраган бўлса, шу томон ғолиб ҳисобланади.

Ўйиннинг бу хилида ҳам мусобақа иштирокчиларининг жинсий сифатлари ҳисобга олинади(шунингдек, арқон олдиндан орқага), иккинчи марта орқа томондан олдинга айлантирилади.

4) Арқоннинг икки учидан иккинчи киши айлантириб туради. Мусобақадошлар сакрашни ижро этадилар. 1 ва 2-турдаги ўйин қоидаларига амал қилинади.

5) Болаларнинг жисмоний тайёргарликларига қараб арғимчоқ устидан бир гал ўнг, бир гал чап оёқда сакраш мусобақалари

Milliy o'yinlar

аста-секин аралаштирилган ҳолда тажрибага киритилади. Масалан, кичик ёшдаги болалар биринчи катакда уч марта икки оёқда сакраб ижро этсалар, шу катакда тўрт марта сакраш биргина ўнг оёқда ёки чапида ижро этилади. Иккинчи катакда икки оёқда сакраш ниҳоясида бир марта чап оёқда сакраб, кейинги катакка кўчади ва ҳ.к. Бундай шартлардан кузатилган мақсад, болаларни ёшликдан ҳар қандай вазифани адашмасдан ижро этишга ўргатишдир. Маълумки, меҳнатнинг босқичларида ўз хусусиятлари, шартлари бор. Бу талабларга риоя қилмаслик меҳнат даражасига, сифатига зарарли таъсир кўрсатади.

Машқнинг яна бошқа, биринчисидан кам бўлмаган фойдаси ҳам бор. Бу мушаклар, пайлар кучини оширади, иш қобилиятини янги босқичга кўтаради. Икки оёқ ишини бир оёқ бажара олиши умумий имконият кўпайганидан далолат.

Болалар ёшликдан қанчалик фаол, мунтазам мукаммаллик касб этадиган, машқлар билан шуғулланишни кундалик одат тусига киритсалар, уларнинг танаси шунчалик тўлиқ камолотга эришади. Боғча ёшидан арғимчоқ ўйнаган бола кураш спортига ўзини яхши тайёрлайди, енгил атлетика мусобақаларида муваффақиятли қатнашади, штанга кўтаришда ўзини кўрсата олади. Ҳаракат аъзолари тезкор, кучли ва бардошли ёшлар ҳаётий фаолиятнинг ҳамма жабҳаларида ўзларини намойиш қила оладилар.

Бола ёшликдан ўйин қоидаларини бехато бажаришга ўрганса, келгуси меҳнат фаолиятида шу одатга амал қилишни давом эттиради. Арғимчоқ ўйинлари спорт турларидан югуриш, сакраш спортига ўхшаш инсон танасини чиниқтирувчи, ривожлантирувчи вазифани бажаради. Бир неча соат дарсдан, ишдан кейин арғимчоқ ўйнаш гавдадаги барча аъзоларга юкланиш бағишлаб чарчоқни йўқотади, шунингдек, ақлий ва жисмоний фаоллик имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Донишманд халқимиз оёқ ва қўлларга етарли зўриқиш бермайдиган фаолият оқибатида юз берадиган увишиш ҳолатларида арғимчоқ ўйинидан фойдаланишни ўйлаб топган. Темирчи, маҳсидўз, хаттот, тикувчи, от-аравада узоқ йўл босган йўловчилар бир неча муддат арғимчоқ ўйини билан шуғулланганлар. Ҳозирги кунда маҳалла, мактаб, болалар боғчаси ва бошқаларда сакраш, югуриш майдони бўлмаса, арғимчоқ билан шуғулланиш фойдали.

«БЕШ ТОШ ЎЙИНИ»

"Беш тош" ўйини бир неча қисмдан иборат. 1) Дастлабки қисми: 5 тошни ўнг қўл кафти ичида ушлаб юқорига отилади ва ўнг қўлни устки томонига туширib, сўнг нечта тош тушса, яна қўл ичига олинади. 2) Иккинчи қисми. Агар тошларни отганда бешала тошни ҳам кафтининг устки томони билан илиб олган бўлса, битта тошни юқорига отиб тўрттасини кафт ичига олиб туради, кўрсаткич бармоғи билан ерни сийпалайди ва юқорига отган соққа тошни илиб олади. Ўйиннинг бу қисми "Сийлов" дейилади. Агар бир қисмида 4 та тошни асраб қолган бўлса, битта соққа тошни юқорига отиб, қўл ичида сақлаганини ерга қўяди. Битта соққа тошни яна отиб ерга қўйган 4 тошни йиғиб олиши ва соққани илиб олиши керак. 3) Чап қўлнинг кўрсаткич ва бош бармоқларини "дарвоза" қилиб ўнг қўл билан 5 тошни дарвоза ёнига сочади. 1 та соққани юқорига отиб, ерга сочилган тошларни биттадан дарвоза ичига киритади. Бунда дарвозага киритилиши керак бўлган тошдан бошқа тош қимирлатиб юборилмаслиги керак. 4) 5 та тошни ўнг кафт ичида ушлаб юқорига отилади ва кафтнинг устки қисми билан илиб олинади. Нечта тошни илиб олса ҳам биттасини бармоқ билан қисиб олинади, қолгани ерга туширилади. Сўнг бармоқдаги тошни қисган ҳолда ердаги тошларни биттадан териб олинади. 5) 5 та тошни ўнг қўл ичи билан юқорига отиб, икки кафт устини бирга бирлаштириб илиб олинади, яна юқорига отиб, икки қўлни бирлаштирган ҳолда илиб олинади. Ўйиннинг бу қисми "сандиқ" дейилади.

Ўйин босқичларида йўл қўйилган ҳар бир хато учун бир баллдан жарима ёзилади. Ҳар бир ўйиннинг босқичларини мукаммал ижро этганлар 5 баллдан ютуқ эгаси бўладилар. Хатолар умумий миқордан олиб ташланади.

Беш тош ўйини кетма-кет икки соат дарс давомида ёзиш ва ўқиш билан шуғулланишдан сўнг кўзга дам бериш, унинг мушаклари учун соғломлаштириш гимнастикасидир. Ўйин, шунингдек, кўзи ожиз кишиларга кун давомида, бир неча минутдан шуғулланиш учун тавсия этилади.

Ф.НАСРИДДИНОВ,
профессор,
Ш.ТЎЛАГАНОВ,
фалсафа фанлари номзоди

ЭЪЛОН

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ СИФАТЛИ ЎҚУВ МЕБЕЛЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗАДИ

Тендерга қўйиладиган маҳсулотлар:

Ўқувчилар столи ва стули (комплект 2 та стул, 1 та стол), синф доскаси (сексиясиз), ўқитувчилар учун 1 тумбали стол ва стул.

Тендерда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш шарт:

Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти;

Нарх-наво бўйича ва 2002 йил 1 июлгача маҳсулотни етказиб бериш имконияти ҳақида таклифлар;

Халқ таълими вазирлиги "Таълимсавдо" бош бошқармасининг 20211000050010156 1001, Меҳнат бўлими ЖСБ, МФО 00423, ИНН 200524742 ҳисоб рақамига бўнак ўтказилганлиги ҳақида тўлов хатининг нусхаси. Бўнак миқдори таклиф этилаётган маҳсулот умумий нархининг 2,5 фоизини ташкил этади.

Тендер таклифлари комиссия томонидан 2002 йил 25 январдан бошлаб 15 февраль соат 11 гача, фақат иккиланган конвертда, муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташқи конвертда корхонанинг номи, манзили тўлиқ кўрсатилган ва унга банк маълумотномаси, буюм сертификати ва санитария паспорти, тендер қатнашчиси бўнак киритганлигини тасдиқловчи ҳужжат солинади. Ички конвертга тендер таклифлари, буюмлар рўйхати ва унга қўйилган нархлар кўрсатилган ҳужжат жойланади.

Тендерга 2001 йил 1 августдан кейин рўйхатдан ўтган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабли тендер қатнашчилари керакли органлар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

Тендерда қатнашиш учун маҳсулот намуналарини 2002 йил 31 январдан бошлаб 15 февраль соат 11 гача "Таълимсавдо" бош бошқармасининг Тошкент шаҳри, 700077, Сайрам 3-берк кўчаси, 92-уй кўргазмалар залига қўйилади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент ш., 700077,
Сайрам 3-берк кўчаси, 92-уй.
Маълумот учун телефонлар:
67-28-00,
факс: 67-28-70.

Куни кеча Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди. Бу байрам «Ватанпарвар» ташкилотларида ҳам ўзига хос тарзда ўтказилди. Акмал Икромов тумани Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳам Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда ўз ўрнига эга. 20 йилдан буён талабаларга ўз билим ва тажрибасини ўргатиб келаётган мураббий Акмал ака Исамуҳамедовнинг хизматлари катта. Суратда Акмал ака талабаларга йўл ҳаракати қоидаларидан сабоқ бераётган жараён акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

АВСТРАЛИЯЛИКЛАР БАШОРАТИ

Мельбурнлик башоратчи букмекерлар 14 январь куни бошланган «Australian Open»нинг ғолиблигига даъвогар теннис юлдузлари рўйхатини эълон қилишди. Унга кўра эркаклар ўртасида ғолибликка энг асосий даъвогар сифатида Андре Агасси (АҚШ), Ллейтон Хьюитт (Австралия), Евгений Кафельников (Россия), аёллар ўртасида Винус Уильямс, Женнифер Каприати, Серена Уильямс (учаласи ҳам АҚШдан)лар имкониятига юқори баҳо берилган.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилигининг I давра ўйинларига қуръа ташланди. Биринчи турдаёқ "Насаф" ва "Нефтчи" клубларининг Қаршида ўзаро учрашишлари 11-чемпионатнинг кескин курашлар остида бошланишидан далолат беради. Олий лига жамоалари баҳсларни 16 март куни бошлаб, 30 ноябрда ниҳоясига етказишади. Биринчи лига жамоалари эса чемпионатни 31 март куни бошлайдилар.

ЭНГ КУЧЛИЛАРСИЗ ТУРНИР

Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида анаъанавий халқаро турнир бошланди. Баҳсларда иштирок этаётган 14 нафар халқаро гроссмейстер сафида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам бор. Каспаров, Крамник, Ананд, Иванчук каби шахмат юлдузлари иштирок этмаётган ушбу халқаро мусобақа ФИДЕ таснифи бўйича 18-даражали турнир мақомини олди.

МУКОФОТГА — 25 МИЛЛИОН

Мадриднинг "Реал" клуби президенти Флорентено Перес, агар Фигу, Зидан, Роберто Карлос ва Рауль каби суперюлдузлар тўп сураётган клуб ушбу мавсумда ҳам миллий чемпионат, ҳам Испания қироли кубоги, ҳам чемпионлар лигасида ғолиб чиқса, жамоага 5 миллиард песет (25 миллион доллар) мукофот берилишини эълон қилди. Миш-мишлар амалга ошиб, улар сафига Шевченкодек суперҳужумчи ҳам қўшилса, мақсадга эришишлари осонлашади.

Унинг яратган асарлари бугунги кунда ҳам ўзгача бир қизиқиш ва эътибор қозониб келмоқда. Мусо ҳайкали унинг энг машҳур асарларидан биридир.

Ўсимлик зоти ҳам ўзига берилган эътиборни асло жавобсиз қолдирмайди.

ҲУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Хайрият, қор ҳам ёғди

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

КУЛГУХОНА

Фрау Клуге дугонаси Найманникига келди. Уйда фақат қизчаси Эльза бор экан.

— Ойинг қаерда?

— Ойим икки соат олдин беш минутга Мария холамникига чиқиб кетувдилар.

* * *

— Мсье, — деди ўқитувчига Морис, — отам айтди, биз маймундан тарқалган эканмиз.

— Жим ўтир, Морис! — деб танбеҳ берди ўқитувчи. — Сизнинг оилангизнинг тарихи мени қизиқтирмайди.

* * *

— Биласизми, ойижон, бугун ўқитувчимизнинг саволига ҳеч ким жавоб беролмади.

— Қанақа савол экан?

— У "деразани ким синдирди" деб сўради.

* * *

Генрих тиш докторидан қайтиб келгач, онаси сўради:

— Тиш ҳали ҳам оғрияптими?

— Билмадим. Доктор уни олиб қолди.

* * *

Ўқитувчи Тотодан сўради:

— Партанинг устида саккизта пашша бор. Агар улардан бирини ўлдирсанг, нечтаси қолади?

— Битта ўлган пашша қолади-да...

* * *

Ўқитувчи:

— Қани айт-чи, нега сен кеча мактабга келмадинг?

— Опам турмушга чиқаётган эди.

— Ҳа, шундайми?! Майли ўтир, лекин бу ҳол иккинчи такрорланмасин.

* * *

— "Ўғирламоқ" феълининг келаси замон шакли қандай бўлади, — сўради ўқитувчи.

— Қамоқ бўлади, — жавоб берди ўқувчи.

СЕҲРГАР ИЛОҲ

(Воқеий ҳикоя)

Биз ҳар йили ёзда шаҳардан қишлоққа кўчиб чиқардик. "Ёзда ёзлигинг қўйма, қишда ўзинг биласан", деганларидек, шаҳарда ҳувиллаб ҳовлимиз билан уйимиз қоларди, холос.

Қишлоқ менга жуда-жуда ёқарди. У ерда ўзимни қафасдан озод бўлган қушдек ҳис қилардим.

Қишлоқнинг тоза ҳавосию ямяшил ўтлоқлари, кенг ва бепоён далалари, қип-қизил гиламдек лолақизғалдоқлари мени ўзига мафтун этарди. Бунинг устига мевазорлар ҳамда қатор-қатор аскарлардек тизилган терак-толларни айтмайсизми? Хуллас, қишлоқ баҳорда ва ёзда жуда гўзал бўлади.

Бизнинг ёзлоқ чайламиз тоғнинг ён бағрида бўлиб, бир томони очиқ майдон эди. Бўш вақтларимда тоғ ён бағрига чиқиб, атрофни роса томоша қилардим.

Болалик эмасми, узоқ-узоқларни илғаб, ана у кўриниб турган жой Америка, ана уёқлар Англия бўлса керак, деб хаёл суриб қолардим. Унча баланд бўлмаган тоғ ён бағрига чиқиб, табиатга боқиб, Ватан чиройига маҳлиё бўлардим.

Айниқса, тонг палласи бизнинг қишлоқ жуда ҳам гўзал бўларди. Мен буни бир куни тонгда туриб билдим.

Мен-ку ширин уйқудан кечиб асло тонгда турмас эдим. Бунга отам сабабчи бўлдилар. Бир тонгда:

— Анвар, тур, сенга бир қизиқ воқеани кўрсатаман, — дедилар.

Эриниб, кўзларимни уқалаб:

— Нимани? — дедим.

— Юр, ҳозир қизиқ воқеа кўрасан, — деб қўлимдан етаклаб тоғ ёнига олиб бордилар.

— Уйқунг ўчдими?

— Ҳа.

— Ҳу, ана, симёғочнинг симида тизилиб турган чумчуқларни кўрдингми?

— Кўрдим.

— Энди бу томонингга қара. Тоғнинг бағридаги харсанг тошни кўряпсанми?

— Ҳа!

— Ўшанинг ёнидаги кичкина ғор уячани кўрдингми?

— Кўрдим.

— Уядан бошини чиқариб турган илонни-чи?

— Уни ҳам кўрдим.

— Ўша илон чумчуқларнинг бирини "ўқиб" олади, диққат билан қараб тур, — дедилар.

Мен жуда ҳам қизиқиб, чумчуқларга қараб туравердим.

Бироздан кейин бир чумчуқ "пир" этиб учиб, тўғри бориб ғор оғзига қўниб туравердi. Илон бамайлихотир уядан бошини чиқариб, чумчуқни чириллатиб тишлаб, уясига олиб кириб кетди.

Таажжубланиб, отамни саволга тутдим:

— Илон чумчуқни қандай ўқийди?

— У — сеҳргар.

— Сеҳргар дегани нима дегани?

— Билимдон, сеҳрловчи дегани.

— Илон қандай билимдон бўлади? У қаерда ўқиган?

— Билмайман. Жуда ҳам эзмасан-да, ўглим, — дедилар.

— Айта қолинг, жон ота, — дедим ялиниб.

— Ким ўқитарди?! Худонинг қудрати! Уни худо шундай қилиб яратган ёки ота-онасидан ўтгандир. Нима бўлса ҳам худонинг кароматида бу ишлар, — дедилар отам. — У меҳнат қилмайди. Ризқ-насиба изламайди. Уясидан чиқмай ҳар тонг эрталаб битта чумчуқ ютиб туравeради. Ҳар куни тонгда турсанг, кўрасан, — дедилар.

— Эртага ҳам уйготасизми?

— Майли, — дедилар отам.

Шу воқеа сабаб бўлдию мен ҳар куни тонгда турадиган бўлдим, лекин ҳар куни чумчуқларга раҳмим келиб, ич-ичимдан илонни ёмон кўриб юрардим.

Бир куни тоққа чиқдиму харсанг тошни суриб, илон уясининг оғзини беркитиб қўйдим. Эртаси ва индинига "нонушта"да туриб кузатдим. Ов воқеаси такрорланмади. Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб, қилган ишимни бир куни отамга айтдим.

— Баракалла, ақлингга балли, у каттариб аждарҳо бўларди. Кейин чумчуқларни эмас, одамларни, молларни ҳам ютарди, — дедилар отам.

Анвар ҚУРБОН,
нафақадаги ўқитувчи,
Бўка тумани

Xullas...

5 МИНГ КИШИГА... МАШИНА

Лотерея сотиб олаётган киши нимани орзу қилиши кундек равшан: машина, телевизор, чанг ютгич, гилам, жилла қурса арзимас бўлса ҳам пул ютуғи.

Франция шаҳарчаларидан бирида сотувга чиқарилган лотерея ўйинида бирваракайига 5 минг кишига автомобиль ютуғи чиқди. Бўлмаган гап дейсизми? Ишонмасангиз ҳам хоҳишингиз, аммо бу бўлган гап.

Хўш, бунга лотерея ўйини ташкилотчилари нима дейишмоқда? Улар ютуқ чиққан билет номерларини эринмасдан йиғиб чиқишди ва бу босмахона ходимлари айби билан содир этилганини аниқлашди. Янглиш ҳолда 5 мингта билет, яъни ютуқ эълон қилинган лотерея ўшанча миқдорда чоп қилиниб юборилган экан. Ким билсин, балки бу атайлабдан қилингандир.

Гишт қолипдан кўчди. Энди ютуқни мижозларга бермасликнинг иложи йўқ. Фирмага келадиган даромаднинг бу галгиси ҳавога учадиган бўлди.

ПИНГВИНЛАРГА СВИТЕР

Пингвинларнинг кийим кийишини ақлингизга сиғдиролмайсиз. Ахир уларнинг танаси совуққа мослашган. Аммо гап бунда эмас, балки пингвинларга ташқи томондан зарар етказувчи таъсирлар бўлаётганидадир.

Тасмания ороли қирғоқларида яшовчи пингвинлар танасига нефть маҳсулотларининг майда-чуйда доғлари ўрнаша бошлаганидан аллақачон мурувватпеша инсонлар хабар топишди. Энди уларни бу ифлосликлардан сақлаш керак. Қандай қилиб?

Ўта ақлли аёллардан бири свитер кийгизиш керак, деб қолди. Таклиф ғарчанд кулгили туюлса-да, маъқул топилди.

Бир хил фасон, бир хил размерли свитерлар. Пакпакана бўй. Жониворларнинг кийим кийишга қаршилик қилиши аниқ. Аммо нияти холис одамзот бунга-да эришяпти.

ҲАБАШЛАРНИНГ АНАНАСГА МЕҲРИ ЁКИ АНАНАСНИНГ УЛАРГА ЖАВОБИ

Америкалик селекционерлар ананас етиштириш устида тадқиқот ўтказиб, кутилмаган ҳолатга дуч келишди. Гавайя ороли ҳудудларида ва Антилда етиштирилган ананаслар икки хил қуринишга эга бўлиб чиқди. Бири майда, бири улкан, бири ширин, бири нордонроқ. Шарт-шароитларда фарқ йўқ, уруғлар ҳам ўша-ўша.

Плантатор Жон Мейснинг кузатишича, Гавайяда етиштирилган ананаслар ҳосилдорлиги паст бўлди. Антилдаги ананаслар эса нафақат қуриниши, балки таъми жиҳатидан ҳам Гавайяникидан ошиб тушди.

Хўш, бунинг сабаби нимада?

Гавайяликлар, селекционерларнинг назарида, ақлсиз ва тўпори. Антилда истиқомат қилувчи ҳабашлар эса далада бор овози билан қўшиқ айтиб, ананасларга меҳр ва парвариш берар экан. Бунда ҳеч қандай сир ёки ажабланадиган жиҳат йўқ. Усимлик зоти ҳам ўзига берилган эътиборни асло жавобсиз қолдирмайди.

ana shunaqa gaplar

МАШҲУРЛАРНИНГ СЎНГГИ СЎЗЛАРИ

Микеланжело — италиялик шоир, рассом, ҳайкалтарош ва меъмор. Унинг яратган асарлари бугунги кунда ҳам ўзгача бир қизиқиш ва эътибор қозониб келмоқда. Мусо ҳайкали унинг энг машҳур асарларидан биридир.

Ҳаётга чанқоқ кўз билан қараётган санъаткор ўлим яқинлашган сари таассуф билан: "Эй дунё, — дерди, — сенга боғланиб қолганларнинг ҳоли нима бўлишини кеч англадим. Ўзинг молик бўлмаган ҳузур ва сукунатни ваъда этасан. Туғилмай ўлган истироҳатни ваъда қиласан. Буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқдаман."

Васиятини сўраганларида:

— Руҳимни Яратганга, вужудимни ва молимни оиламга, деди.

Кюри хоним — энг машҳур олима аёл. Асли польшалик олима Парижда таҳсил олди. Бутун ҳаётини илм ва изланишга бағишлаши натижасида инсониятга сунъий радиоактивликни тақдим этди. У топган элементига ўзининг ватани номини берди — Полоний.

Француз физик олими Пьер Кюри билан турмуш қурди. Радиация билан кўп ишлаши саломатлигини хавф остига қўйди ва ўлим тўшагига олиб келди.

— Йўқ, алаҳсирамаяпман. Узоқларда юргандекман, — дея пичирлади. Кейин ора-сира яна нималардир деди ва уни эмламоқчи бўлган ҳамширага:

— Керак эмас, мени тинч қўйинг, - деди.

Нурланиш ихтирочиси нурланишнинг қурбони бўлди.

Фаридуддин Аттор — авлиёларнинг ҳаёти ва сўнгги сўзлари ҳақидаги маълумотлар жамланган қимматли асар, — "Тазкират-ул авлиё"нинг муаллифи. Унинг ўзи ҳам буюк авлиё бўлган. Нишопурда 124 ёшга етганида мўғулларга асир тушади. Бир одам уни асир олган аскарга минг танга олтин таклиф қилади. **"Зинҳор сота кўрма,**- дейди авлиё. **— Мен бундан қийматлироқман."** Бошқаси эса бир қоп сомон таклиф қилганида:

— Мана менинг қийматим! Тезда сот, — деди ва ғазабга минган мўғул аскар томонидан шаҳид этилди.

Фредерик Шопен — лирик композитор. Уни пианино шоири дея таърифлайдилар.

Парижда ўлим тўшагида ётар эди. Қошидаги доктор дардини сўраганида, жавоби:

— Энди йўқ, — бўлди...

Франсуа Вальтер — юксак заковати ва ахлоқи билан драматургиядан фалсафа ва шеъриятга қадар кўп соҳаларда фаолият кўрсатди.

Зеҳни унга ҳузур бермади. Сўнгги бор:

— Қўйинг, сукунат ичида жон берайин, — деди.

Хосе Рауль Капабланка — шоҳмот даҳоси. 1888 йили Гаванада дунёга келди. Шоҳмотга бўлган қизиқиши 4 ёшида, отаси ўртоқлари билан дона сураётган пайтда пайдо бўлган эди. Саккиз ёшида Гавана шоҳмот клубига ёзилди. Ўн икки ёшида Куба чемпиони Корозани енгади. Кейин эса қатор порлоқ муваффақиятлардан иборат ранг-баранг ҳаёт.

...1942 йил 8 мартда ўлим унга қучоқ очган эди. Юраги сиқилган Капабланка:

— Костюмимни ечиб қўйинг, — дея нидо қилди. Ажал унга "шоҳ" деди ва шоҳмот даҳоси "мот" бўлди.

Рахманинов — рус бастакори, пианино виртуози, оркестр раҳбари. Басталаган асарларидан руҳияти, шахсияти қандайлиги сезилиб турарди. Ўлим олдидан қаердадир мусиқа чалинаётганлигини айтади. Ҳеч қандай мусиқа чалинмаётганлигини билгач:

— Унда менга шундай туюлибди, — деди...

Отабек НУРИДДИНОВ тайёрлади.

Taqdimot

«ДИЛХИРОЖ» КАТТА ЭКРАНЛАРГА ЧИҚАДИ

Куни кеча Республика Киночилар уйида "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган "Дилхирож" бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

"Дилхирож" фильмининг сценарийсини ёзувчи Эркин Аъзам ва кинорежиссёр Юсуф Розиқов биргаликда ёзишган. Режиссёр Юсуф Розиқов ушбу фильм орқали соф ўзбекона қадриятлар, миллий анъаналаримизни очиб беришга ҳаракат қилган. Инсоний муносабатлар акс этган фильмда сиз икки ёшнинг бир-бирига бўлган оташин муҳаббатини, фарзандсизлик дардида эзилган инсоннинг ҳеч кимга билинтирмаган изтиробларини, қадимий ўзбек одати бўлган "қаллиқ ўйини"нинг ўзига хос тарафларини кўришингиз мумкин.

"Фильмда мен бош қаҳрамон образини яратдим, кучли драматик талқин талаб қиладиган Тоштемир роли устида ишлашимда, менга режиссёр Юсуф Розиқов, актёрлар Зикир Муҳаммаджонов, Фарҳод Абдуллаевлар катта ёрдам берди. Бадиий фильмдаги биринчи катта ролим бўлганлиги билан ҳам бу фильм менга қадрли", дейди актёр, бош роль ижрочиси Алишер Ҳамроев.

Тақдимот маросимида фильм яратувчиларининг барчаси ҳозир бўлди. Режиссёр Юсуф Розиқов ўзбек томошабинига яна битта янги асар тақдим этганликларидан хурсандлигини айтди.

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Сиз ҳам "Дилхирож"ни кўринг. "Дилхирож"дан кўнгил оғриқларингизга малҳам, руҳий эҳтиёжингизга таскин топасиз.

«KOMPYUTER» KROSSVORDI

Eniga: 5. EHM bilan muloqotni amalga oshiruvchi vosita. 7. Dastur, hujjat, matn kabi axborotlarni bir kompyuterdan boshqasiga o'tkazish uchun xizmat qiladigan qism. 8. Ishchi yoki joriy disk. 10. Turli sohalarda keng qo'llanilayotgan texnika. 11. Turli tasvirlarni va grafiklarni bosmaga chiqarish qurilmasi. 13. Axborot vositalari taraqqiyoti majmui. 15. Ekranga matnli va grafikli ma'lumotlarni chiqarish uchun xizmat qiluvchi qurilma. 16. Ma'lumotlar aks etadigan qism. 18. Insoniyat taraqqiyotidagi metallga ishlov berish asri. 20. O'lchov birligi. 21. Ma'lumotlarni yetkazish. 22. Kompyuterning asosiy qurilmasi.

Bo'yiga: 1. Kompyuter yordamida musiqa ijro etilishini ta'minlovchi qurilma. 2. Eng kichik o'lchov birligi. 3. Axborotlarning diskda saqlangan shakli. 4. Qog'ozdagi matn va tasvir ko'rinishidagi axborotni kompyuterga kiritish qurilmasi. 6. Printerda matn sifatini oshiruvchi vosita. 9. Tokni me'yorida ushlovchi qurilma. 12. Kompyuter bilan foydalanish muloqotini yengillashtiruvchi monopulyator. 14. Axborotlarni yodda saqlab qoluvchi qism. 16. Biror natijaga erishish tartibi. 18. Kichik o'lchov birligi nomi. 19. Qo'shma qurilma.

Tuzuvchi:
Kamola ORIPOVA,
Toshkent Madaniyat kolleji talabasi



Олмалиқ шаҳридаги 16-ўрта мактаб томонидан 2000 йилда Н.О.Сон номига берилган O'R-E 102143 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-39.
Тиражи 27539 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00